

“КИТОБ ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ГРАФИКА ТЕХНИКАЛАРИДА БАЖАРИШ”



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Графика” (турлари бўйича) йўналиши
- ❖ Профессор А.Каланов

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига
мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи:

Тузувчи:

К.Беҳзод номидаги МРДИ Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси профессори Каланов Аслиддин Джураевич

Такризчилар:

Хорижий эксперт: Тяджун Иун (Лужин Иун) - Ўзбекистондаги Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) томонидан шартнома асосида МРДИ “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедрасида волонтер ўқитувчи.

Ж.Рашидов – МРДИ “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси мудири.

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	14
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	72
V.	КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ БАНКИ.....	80
VI.	КЕЙСНИ БАЖАРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР... 	88
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	95
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	102

І. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- “Графика (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

“Графика (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар

- Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- анъанавий графика техникаларини яқиндан билиш;
- графика техникаларида композиция яратиш;
- ашёларни қўллашнинг аниқ ва тизимли усулларини ўргатиш;
- рангтасвир билан экспериментал графикани ўзаро боғлаш;
- китоб элементларининг атамаларини билиш;
- китоб графикаси композициясининг хусусиятлари;
- иллюстрация ишлашда чизматасвирнинг аҳамияти;
- китоб макети андазасини яратиш;
- муқова ва жилд фарқларини ажратиш;
- китоб муқовасининг композициясини яратиш;
- форзацнинг функцияси;
- форзацнинг турли кўринишларини ишлаш;
- иллюстрациялар ишлашда ашёни тўғри танлаш;
- китобнинг умумий композиция ечимини топиш;
- китобнинг намунавий аниқ ҳисоб-китобли макетини яратишни билиш;
- графиканинг турли техникаларида экспериментлар қўллаш;
- академик чизматасвирнинг тасвирий санъатдаги аҳамиятини;
- иллюстрациялар колорит ечимининг инсон рухиятига таъсирини;
- китобни безатишда муқова тасвирининг асосий роли;
- кўп фигурали иллюстрациялар композициясини қуриш;
- иллюстрациялар ишлашда декоратив усулни қўллаш;
- иллюстрациялар ишлашда академик усулларни қўллаш;
- иллюстрацияни замонавий графика техникаларида бажариш;
- иллюстрацияларни компьютер дастурларида ишлаш;
- китоб безакларида аралаш техникалардан фойдаланиш;

- китоб бегагини ишлашда рангларнинг аҳамияти;
- муқова тасвирида шрифтларни тўғри танлаш;
- шрифтли композициялар яратиш;
- офортнинг турли техникаларини билиш;
- литография жараёнини билиш;
- рангли литография жараёнини билиш;
- линогравюрада ишлашни ўзлаштириш;
- рангли линогравюрани ўрганиш;
- экспериментал графика техникасида асарлар яратиш;
- экспериментал усулларини назарий ва амалий ўрганиш ;
- экспериментал графика техникасининг имконияти;
- китоб графика композиция қурилишида ижодий тафаккур юритишни;
- хорижий замонавий графика санъати усулларини кадрлар тайёрлаш миллий тизимига жалб этиш;
- бадий асарда томошабин диққатини жамлаш;
- графикада бадий фикрлаш;
- бадий адабиёт ва китоб безакларининг узвий боғлиқлиги;
- графика ривожланишида оқим ва йўналишлардан фойдаланиш;
- тасвирий санъат кўргазма ва галериялари асарларини таҳлил қилиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.
- графика усулларининг инсон руҳиятига таъсирини санъат асарлари орқали ифодалаб бериш;
- тасвирий санъатда замонавий китоб графика композицияси орқали ижодий тафаккур юрита олиш;
- тасвирий санъат соҳаси ташкилотларини стратегик бошқариш;
- хусусий талаб ва корпоратив коллекциялаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари кўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Китоб иллюстрацияларини замонавий графика техникаларида бажариш” модули мазмуни ўқув режадаги “Экспериментал графика техникалари”, “Чизматасвирда академик мактаб услуги”, “Рангтасвирда академик мактаб услуги”, “Тасвирий санъатда композиция асослари”, “Тасвирий санъатнинг анъанавий ва замонавий ашёлари ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда кўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоги:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкларининг соат			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Китоб безакларини бажаришда илғор хорижий турдош олий таълим муассасалари тажрибаларидан кенг фойдаланиш, улар асосида ўзига хос миллий орнаментлар яратиш. Китоб иллюстрацияларини ишлашда замонавий экспериментал графика техникаларини қўллаш.	2	2		
2.	Саргузашт - фантастика асарларини безатишда замонавий графика техникаларидан фойдаланиш. Ашё ва бўёқлар технологиялари ўрганиш.	4	2	2	
3.	Иллюстрацияларни босма (штамп) нусхаларини олишда миллий ва жаҳон ашёларининг кимёвий хусусиятлари. Эксприментар машғулотлар ўтказиш.	2		2	
4.	Китоб эскизини тузиш машқи. Китоб графикасида асар қахрамонлари қиёфаларига чизгилар яратиш машқлари.	4	2	2	
5.	Асарнинг картондаги муқобил ўлчамдаги қораламасини тузиш усуллари. Китоб иллюстрацияларини замонавий графика техникаларида ишлашда қоғоз букламларини шакли-шамоилини ўрганиш.	4		4	
6.	Китоб иллюстрацияларини ишлашда замонавий графика техникаларидан фойдаланиш усуллари. Қоғоз, графит, қалам ва соус ретушларнинг китоб иллюстрацияларини яратишдаги аҳамияти.	4	2	2	
	Жами	20	8	12	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Китоб безакларини бажаришда илғор хорижий турдош олий таълим муассасалари тажрибаларидан кенг фойдаланиш, улар асосида ўзига хос миллий орнаментлар яратиш. Китоб иллюстрацияларини ишлашда замонавий экспериментал графика техникаларини қўллаш. (2 соат)

Китоб графикаси санъати. Китобни безатишда адабиётнинг характеридан келиб чиқиш. Турли адабий жанрларга ишланган иллюстрациялар билан танишиш ва уларни таҳлил қилиш. Китобхон адабиёт асарини ўзлаштиришида иллюстрацияларнинг роли.

2-мавзу: Саргузашт - фантастика асарларини безатишда замонавий графика техникаларидан фойдаланиш. Ашё ва бўёқлар технологиялари ўрганиш. (2 соат)

Китоб макети бу-унинг андаза лойихаси. Маётлар турларининг кўриниши. Китобнинг элементлари атамалари ва уларнинг функцияларини яқиндан билиш. Китоб архитектуроникаси.

3-мавзу: Китоб эскизини тузиш машқи. Китоб графикасида асар қахрамонлари қиёфаларига чизгилар яратиш машқлари. (2 соат)

Китобни безакларини бажаришда ашёларни тўғри танлаш. Анъанавий техника усулларида китобни безатишни ўзлаштириш ва уларни замонавий техника усуллари билан уйғунлаштириш. Иллюстрацияларни декоратив ечимда бажариш усуллари. Абстракт ечимдаги иллюстрациялар ни таҳлил қилиш.

4-мавзу: Китоб иллюстрацияларини ишлашда замонавий графика техникаларидан фойдаланиш усуллари. Қоғоз, графит, қалам ва соус ретушларнинг китоб иллюстрацияларини яратишдаги аҳамияти. (2 соат)

Муқова китобнинг умумий ғоявий мазмунини очиб берувчи тасвир. Муқова безагининг композициясини қуришни ўрганиш. Муқова тасвирини яратишда ранг ва шрифтнинг аҳамияти. Шрифтли композициялар яратиш. Муқова безагини китобнинг бошқа элементлари билан узвий боғлиқлиги.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузадан сўнг режалаштирилган тўрт мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган графика йўналиши бўйича китоб графикаси амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма тарзида ёки амалий графика ишлаш шаклида бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзусига бўлган муносабатини амалий кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, қўшимча воситалар, шунингдек амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Саргузашт - фантастика асарларини безатишда замонавий графика техникаларидан фойдаланиш. Ашё ва бўёқлар технологиялари ўрганиш. (2 соат)

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар томонидан китоб макети турларини ишчи макетларини амалий бажарадилар ва фикр алмашадилар. Китобнинг барча элементлар кўринишини амалда билиб оладилар бурларини бир биридан фарқлашни амалда ўрганишади.

2- амалий машғулот: Иллюстрацияларни босма (штамп) нусхаларини олишда миллий ва жаҳон ашёларининг кимёвий хусусиятлари. Экспериментар машғулотлар ўтказиш (2 соат).

Китоб иллюстрация композициясини турлича қуришни ўрганиш. Иллюстрацияларни классик китоб рассомлари усулида бажариш. Бирор уста рассомлар ишларидан нусха кўчириш.

3- амалий машғулот: Китоб эскизини тузиш машқи. Китоб графикасида асар қахрамонлари қиёфаларига чизгилар яратиш машқлари (2 соат).

Анъанавий графика техникасида бажарилган иллюстрацияларни ишлашда қўлланган ашёларини фарқлаш. Композицияга замонавий усуллар билан қўлда қўшима ишлов бериш. Акварелда бажарилган композицияни монотипия техникаси билан уйғунлаштириш. Компьютер дастурларида иллюстрацияларга қўшимча киритиш.

4-амалий машғулот: Асарнинг картондаги муқобил ўлчамдаги қораламасини тузиш усуллари. Китоб иллюстрацияларини замонавий графика техникаларида ишлашда қоғоз букламларини шакли-шамоилини ўрганиш. (4 соат)

Муқова ва иллюстрацияларни ишлашда замонавий графика экспериментларни қўллаш. Эксприментларни турли ашёларда синов тариқасида ишланади. Босма техникаларда тажрибалар ўтказилади. Босмадан олинган оттискларга қўлда қўшимча ишлов бериш.

5-амалий машғулот: Китоб иллюстрацияларини ишлашда замонавий графика техникаларидан фойдаланиш усуллари. Қоғоз, графит, қалам ва соус ретушларнинг китоб иллюстрацияларини яратишдаги аҳамияти. (2 соат)

Танланган адабиёт асари муқоваси учун эскизлар яратиш. Тасвирни адабиёт характеридан келиб чиқиб ишлаш. Топилган композициянинг рангдаги вариантини ишлаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар, амалий машғулотлар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Ақлий хужум” методи

Ақлий хужум усули

Ақлий хужум (брейнстроминг - ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.


S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Рассом ижодкорлар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Рассом ким ? Бадий асар яратувчи.	Рассом бу тинмай изланувчи ижодкор инсон
W	Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли рассом А.Нуридинов асарларида севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижодкорлардандир
O	Рассомлар чизиқлар, шакллар, ранглар, тасвирий санъат воситалари ёрдамида бадий образли асар ярата оладиган инсонлар. (ички)	Улар тасвирий санъат воситалардан, чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан тасвир орқали ўз ғоясини, фикрини баён эта оладилар.
T	Тўсиқлар (ташки)	Рассомларга эркинлик бўлмаса чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан ўз асарларида тасвир орқали баён эта олмайдилар.

“Балиқ скелети”

Натюрморт композициясини “Балиқ скелети” чизмаси Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. 4



(БББ)

Мисол: “Рассом иждокорлар” мавзусидаги матн.

Биламиз. Билишни истаймиз? Билиб олдик.

Биламиз	Билишни истаймиз	Билиб олдик
---------	------------------	-------------

1.графика ва тасвирий санъат ашёларини	1.Хар бир сурат чизишни билган инсонни рассом деб аташ мумкинми?	Илмий амалий изланишларни олиб борувчи, бетакрор усулга эга бўлиш ,махоратли ижро, академик усулда тўғри чизиш,суратда композиция ғоясини томошабинга етказиш. Ранглардан унумли фойдаланиш. рассом деймиз.
2. Ашёлар қоғоз мато, фонер ,девор сатхида калам мўйқалам воситасида бажарилади. Хар бир ижодий асар малум маънони,ғояни тасвирлайди. Тасвирий санъат. маънавий эстетик тарбияловчи восита	2. Нима сабабдан бўёқлар ранги ўзгаради. Самарқанд қоғози нимадан тайёрланган? Самарқанд, Бухоро Қўқон қоғозларини бугун қўлда тайёрлаш мумкинми?	Бўёқлар ранги ўзгаришига сатх грунти ва суолтирувчи сифатига боғлиқ экан Самарқанд, Бухоро Қўқон қоғозларини тарихини.тиклаш учун олиб борилаётган ишлар ҳақида
3.Рассомлар асарида инсонларни маънавий-маърифий эстетик тарбияловчи инсонлардир.	3. Қоғоз нимдан, қандай тайёрланади?	Босма нашр пайдо бўлиши қоғоз ривожига билан боғлиқ қоғоз ўсимлик толалари ва латта маҳсулотидан тайёрланади.
4.Рассом бу тинмай изланувчи инсон	4. Мойли бўёқлар нима учун узоқ вақт давомида қуриydi?	Бўёқ таркибида хом ёғ ишлатилса.
5.Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	5. Компютернинг график дастурларида ишланган сурат санъат асари бўла оладими бўла оладими ?	Компютерда чизилган суратларда меҳр сезилмайди
6.Ўзбекистонлик рассомлар	Камолиддин Беҳзод асарлари ва машҳурлиги сабаби мавзулари ва сақланиш жойлари	К Беҳзод миниатюрада портрет жанри асосчиси, у Ҳусайн Байқаро, А.Навоий Шайбонийхон, Хатифий кўринишини бизга етказди. Ҳирот,Табриз мактаби ривожига ҳисса қўшди

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қаерда? (Where), Нима учун? (Why), Қандай? Қанақа? (How), Нима-натижа? (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ яқуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- “Тасвирий санъат” бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтасвир бўйича ўз шахсий қарашларини махсус белгилар

орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки катнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Портфолио” методи.

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. ҳужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув - методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Китоб безакларини бажаришда илғор хорижий турдош олий таълим муассасалари тажрибаларидан кенг фойдаланиш, улар асосида ўзига хос миллий орнаментлар яратиш. Китоб иллюстрацияларини ишлашда замонавий экспериментал графика техникаларини қўллаш.

Режа:

- 1.1. Тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 1.2. Папирус, пергамен тарихи ва тайёрлаш усуллари.
- 1.3. Қадимги ёзув ашёларининг афзал ва камчиликлари.

Таянч иборалар: *Шумер, Акада, Вавилон, Кутуб минораси, сув туҳваси, силлиқ, арзон...*

1.1. Тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусиятлари.

Инсоният ўз тарихий ривожланиш жараёнида маълумотларни ёзув, тасвир шаклида сақлаш, жамлаш, алмашиш мақсадида турли ашёлардан фойдаланди. Улар: тош, сопол, ёғоч, суяк, металл, папирус, пергамент, мато ва қоғоз эди. Бу ашёларнинг ҳар бири маълум бир даврда, мамлакатда ёзиш, тасвир ишлаш учун хизмат қилиб вақти билан бошқасига ўз ўрнини бўшатиб берган.

ТОШ

1. Тошдаги битик – қадимда ҳукумдорлар ўз давлатининг тарихи, қонунлари, ҳукмдорлик давридаги ютуқлари, эришган ғалабалари ҳақидаги битикларда абадий сақлаш, авлодларга етказиш мақсадида тошдан фойдаланишган. Бунга тўрт минг йилдан бери сақланиб келинаётган Миср эҳромлари, қадимги Вавилон деворидаги битиклар мисол бўла олади.

Афзаллиги - вақт, об-ҳаво ўзгаришлари таъсир қилмайди, ёзилган битиклар асрлар давомида сақланиши мумкин.

Камчилиги - жуда қаттиқ бўлгани учун узоқ вақт давом этувчи мураккаб меҳнатни талаб қилади. Оғирлиги сабаб уни бир жойдан иккинчи жойга олиб юришда жўнатишда қийинчилик туғдиради.



1.Қадимги Миср ёзувлари. 2.Самарқанд. Амир Темур мақбараси. Қабр тошидаги битиклар.

Бизнинг юртимизда ҳам тош сатхида битилган ёзувларни учратиш мумкин бўлиб улар асосан қабр тошларини мисол қилиш мумкин. Масалан: Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбараси ичидаги мармар қабр тошида битилган намуналар бунга мисол бўла олади.

МЕТАЛЛ

Металлдаги ёзувлар— метал сатхида тасвир, ёзув, битикларни ёзиш мумкин бўлиб, узоқ вақт ва оғир меҳнатни талаб қилиши бир жойдан иккинчи жойга олиб юриш ва жўнатишда қийинчилик туғдиради.

Афзаллиги- сақланиш муддати асрлар давомида. Қадимги Миср, Ҳиндистон, Италия, Грецияда қонун битиклари темир, бронза сатхига ёзилган. Юртимизда металл сатхида битик ёзиш қадимдан мавжуд бўлиб, халқ амалий санъати намуналарида безак кўринишида кўплаб учрайди. Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган маъдандан ясалган турли экспонатлар, ҳарбий қуроллар, заргарлик тақинчоқлари, рўзғор буюмлари сиртида ёзув намуналарини кўришимиз мумкин. Бундай намуналарнинг энг йириги 1397 йили Амир Темур буюруғи билан бронзадан қуйилган диаметри 245 см қозон бўлиб унинг унинг ташқи тамонида маҳорат билан битилган хаттотлик санъатининг юқори даражали наъмунасидаги ёзувларни кўриш мумкин.



1. 1397 йил Дубулга. Бухоро. XVIII аср.
2. Амир Темур бронзадан қуйдирган қозон.
3. Лаган. Самарқанд. XII аср.

СОПОЛ

Лой-Сопол сатхидаги битикларидан ташкил топган кутубхона ҳозирги Ироқ, Эрон давлати худудида бўлган қадимги Шумер, Аккада давлатлари, Оссурия шоҳи Ашшурбанипал саройидан топилган. Қадимги котиблар ёғочдан тайёрланган ёзув белгиларни ёпишқоқ лой ғишт сатхига ботириб олиш орқали битикларни ёзишган. Сўнгра бу лой ғиштлар иссиқ қуёш нурлари остида қуритилган. Муҳим ва узоқ сақланиши лозим бўлган маълумотлар ёзилган лой ғиштларни юқори даражадаги оловда пишириб, сополга айлантирганлар.



Сополдаги битиклар. Шумер. эр.ав. 1800 й.

Бизнинг юртимизда ҳам сополдаги ёзув намуналарини сопол буюмлари лаган, кўза ва турли рўзғор буюмларида кўп учратишимиз мумкин. Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Хива, Тошкент каби тарихий шаҳарларимиздаги қадимги меъморий биноларнинг пештоқ, гумбаз ва деворларида наққошлик санъати билан уйғунлашиб ажойиб безакдорлик касб қилган сополдаги хат намуналарини кўриш мумкин. Хат битилган безакли

сополларни тайёрлаш учун махсус тупроқдан лой тайёрлаб узоқ вақт ишлов берилгандан кейин текисланган лой устида нақш, безак ёзувлари керакли шаклда ёзилгач офтобда қуритилиб иссиқлиги юқори даражали махсус хумдонда пиширилган. Саполга айланган бўлақлар махсус кулол бўёқлари билан қопланиб, иккинчи маротаба хумдонда пишириш орқали санъат асарига айлантирилган.

Афзаллиги-хом ашёси арзон, сополга айлангач, сақланиш муддати асрлар давомида.

Камчилиги-махсус хумдонда узоқ вақт юқори даражада қиздиришни талаб қилади, синиш хусусияти юқори.




Сопол лагандаги ёзувлар 10 аср Самарканд. Юртимиздаги меъморий бино сиртидаги ёзувлар.

ЁҒОЧ

Ёғочдаги ёзувлар— қоғоз кашф қилингунга қадар қадимги Хитой, Корея, Япония давлатларида ёзув ашёси сифатида кенг фойдаланилган. Хитойликлар бамбук таёқчаларини арқон билан ўзаро боғлаб устида сиёҳ билан маълумотлар ёзиб бамбук “китоб”лари тайёрлаганлар.

Қадимда Ўзбекистон худудида яшаган халқлар ҳам ёғоч тахтасидан ёзув ашёси сифатида фойдаланишган. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида намойиш этилган II –III асрларга тегишли ёғоч тахтача ва тирнаб ёзиш қалами бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган Сурхондарё вилоятдан топилган VII асрга оид дарахт пўстлоғига битилган битикларни кўрсатиш мумкин. Ёғочдаги

ёзув наъмуналарини юртимиз меъмойи обидалари эшиклариди кўплаб учратиш мумкин.



1. Бамбук ёғочидаги битиклар.Хитой.
2. Эшик сатхидаги ёзув намунаси. Ўзбекистон.
3. Пўстлоқдаги ёзувлар.
4. VII аср. Сурхондарё Хоразм ёзуви ва йил ҳисоби акс этган ёғоч тахтача II –III асрлар. Тупроққалъа.

ПАПИРУС


Папирус – “сув совғаси”, “Сувдан ҳосил бўлган” деган маънони билдиради. *Афзаллик томони* – хом ашёси арзон, енгил, табиий тоза маҳсулот.*Камчилик томони* – Мисрдан бошқа давлатларда кам учрайди. Тайёрланган папирус қоғозининг фақат бир томонидан фойдаланилади,

толалари ўзига намни тортиш, чириш хусусиятига эга. Папирус ўсимлиги Мисрдаги Нил дарёсининг қуйилиш қисми, кўл бўйи, ботқоқ жойларда ўсади. Ташқи кўриниши қамишсимон бўлиб узунлиги 5 метр танасининг йўғонлиги 5-6 сантиметргачан бўлади.

Танасининг учбурчак шаклда бўлиши уни бошқа қамишсимон ўсимликлардан кескин ажратиб туради.

Гуллаш вақтида юқори учи ярим доира, елпиғич шаклига киради. Илдизи бодом мазасини бериб, меваси дон кўринишида жигарранг бўлади. Махаллий халқ папирус ўсимлигини юмшоқ қисмини таом тайёрлашда, пўстлоғидан қайиқ, пойафзал, арқон, палос, тўқишда ишлатганлар. Мисрликлар уч минг йилдан ортиқроқ вақт давомида бу ўсимликдан “папирус қоғоз”ни тайёрлаб ёзув ашёси сифатида фойдаланиш қаторида уни қўшни Пергам, Греция, Рим каби бошқа давлатларга экспорт қилганлар.

Мисрнинг табиати иссиқ, сахро майдонлари катта худудни



эгаллаганлиги сабаб ўсимлик дунёси жуда камбағаллиги маълум. Шунинг учун Миср амалий ва тасвирий санъатида папирус тасвири асосий ўринни эгаллаган. Унинг ўзига ҳос тузилиши миллий нақш элементларин асосини ташкил этади.




Қадимги Миср санъатида папирус тасвири.

Папирус қоғозини тайёрлаш усули: Дарё бўйидан ўриб олинган пояси керакли ўлчамда бўлинади. Учбурчак шаклидаги танасининг яшил устки

пўстлоғи пичоқ билан шилиниб юмшоқ ўзак қисми ажратиб олингач, узунасига кесилади. Камарсифат кўринишдаги узун, юпка бўлаклар олдин ёғоч болға билан уриб, кейин устидан ўқлов билан текисланиб суви сиқиб чиқарилади. Текис тоштахта устида ингичка толалар вертикал ва горизонтал йўналишда кетма-кет териб керакли ўлчамга эришилгач оғир юк ёки исканжа орасида бир ҳафта давомида ушланади. Бу вақт орасида поя тасмалари ўзининг ширали суви таъсирида ёпишиб яхлит варақ кўринишига келади. Бундай варақларни кетма-кет ёпиштириб турли узунликдаги папирус ўрами ҳосил қилинган. Папирус ўрами бир неча метр узунликда бўлиши мумкин бўлиб бугунги кунгачан етиб келган энг катта “Жама” номли папирус ўрамининг эни – 51 см, узунлиги – 40 метрдан ортиқ ўлчамни ташкил қилади.

1



Папирус қозозини тайёрлаш босқичлари

Папирус иссиқ ҳаво шароитида яхши сақлансада намгарчилиги юқори бўлган жойда чириш хусусиятига эга. Шу сабаб қадимги Мисрда муҳим

аҳамиятга эга ҳужжатлар ёғоч қутиларда сақланган. Британия музейидаги Хоррис №1 ва Ну папируслари худди шундай ёғоч қутилар ичидан топилган. Кейинчалик арзонроқ қоғознинг пайдо бўлиши папируснинг камайиб кетиши ва ишлов бериш жараёнининг унутилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда папирусни тайёрлаш усули тикланган бўлиб, ундан фақат таклифномалар, сайёҳлар учун эсдалик ёзувлари, сувенирлар тайёрланади. Папирус номи бугунги кунда ҳам кўп халқлар тилида сақланиб қолган бўлиб, қоғозни папирус деб аташади. Жумладан; немислар “папир”, французлар “папье”, инглизлар “пэйпер”, рус тилидаги “папка” сўзи ҳам папирус атамасидан ҳосил бўлган. Бугунги кунда папирус тарихини ўрганувчи “Папирология” фани мавжуд. Европанинг Вена шаҳрида Миср папирусининг уч минг йиллик тарихга таълуқли маълумотлар жамланган ”Papirusammlung” музейи ташкил қилинган. Музейни ташкил топишида Вена университетининг Шарқ тарихи фанлари профессори Иосиф Карабацекнинг хизматлари катта бўлиб у герцог Райнер томонидан Австрия Миллий кутубхонасига тақдим қилган турли ўлчамдаги 100 000 дона атрофидаги, ҳар-ҳил маълумотлар ёзилган коллекциясини тартибга келтирилган эди.



Вена шаҳридаги Папирус музейининг биноси ва ички залининг тасвири.

Пергамент – Эрамиздан аввалги II–асрда Миср коҳинлари Александрия кутубхонасига рақиб бўлган қўшни Пергам шохлиги кутубхонасининг ривожини тўхтатиш мақсадида папирусни мамлакатдан олиб чиқишни маън қилишди. Ўз кутубхонасининг ривожини тўхташини истамаган Пергам шоҳи тезликда янги ёзув ашёсини топишга буйруқ беради. Кўплаб ўтказилган

тажриба ва синовлар натижасида кичик жониворлар терисидан тайёрланган ёзув ашёси “Пергамент” ихтиро қилинди.

Афзаллиги – ранги оқиш сарғимтир бўлиб, сатхида ёзув яхши кўринади, пишиқ ва эгилувчан. Ундан тайёрланган варақнинг олд ва орқа томонида ёзиш мумкин, сиёҳда ёзилган матнни ювиб ташлаб, қайта ёзиш имконияти мавжуд.

Камчилиги – китоб тайёрлаш учун кўп жонивор териси зарур бўлади.

Терини ёғсизлантириш, ёғоч рамкага тортиб қуритиш, кесиб тенг бўлакларга бўлиш, ўзаро бириктириш, матинни ёзиш анча вақт ва меҳнатни талаб қиларди. Шунинг учун бундай китобга фақат жуда бой зодагонларгина буюртма бера оларди. Ундан тайёрланган китоблар аввал папирусга ўхшаш ўрам ҳолда бўлиб, ўқишда инсоннинг икки кўли банд бўларди. Ўқиш давомида уни аввал бир томонга айлантириб, агар матнни бошига қайтиш керак бўлса кейин яна иккинчи томонга қайта ўралиши ўқувчига анча ноқулайлик туғдирарди. Шу сабабли кейинчалик улар варақ шаклида кесиб олинган ва китоб шаклига келтирилиб муқоваланган.

Бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлар диний идорасида сақланаётган 681 йили ёзилган “Усмон Қуръони” пергамент (кийик териси) сатхида ёзилган. Унинг хажми 68x53x22 см ни ташкил қилиб 353 варақдан иборат. 1990 йиллар бошида Тошкентлик мусаввирлар ишлов берилган терида босма нақшлар билан безатилган жилд, панно кўринишидаги миниатюра асарларини ишлашда бир қатор синовлар олиб боришди. Бугунги кунда тери ашёсидан ижодий, совғабоп миниатюра суратларини ишлашда кенг фойдаланилмоқда.



Пергамент ўрамининг кўриниши



“Усмон Қуръони”. Ўзбекистон.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Ёзув ашёси сифатида тошнинг афзал ва камчиликлари нимада?
2. Ёзув ашёси сифатида папируснинг афзал ва камчиликлари нимада?
3. Ёзув ашёси сифатида пергаментнинг афзал ва камчиликлари нимада?
4. Пергаментнинг ихтиро қилинишига қандай воқеа сабаб бўлди?
5. Папирус музейи қаерда жойлашган?
6. Папирус сўзининг маъносини биласизми?
7. Юртимизда сополдаги битикларни қаерда кўриш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сабилов М М “Ашёшунослик ва рангшунослик” Тошкент 2009 йил Чўлпон
2. Сабилов М. Хаджиметов Б. “Мутахассислик бўйича материалшунослик” Тошкент Info Sahital Group 2018

2. ҚОҒОЗ

Афзаллиги – юпқа, енгил, эгилувчан, пишиқ, юзаси текис, икки тарафидан фойдаланилади, ёзиш ва чизиш учун қулай.

Камчилиги – сув шимиши, тез ёниши.

Тарихи – инсоният ўз тарихида яратган буюк кашфиётлардан бири қоғоз бўлиб, у бугунги кунгачан асосий ёзув ашёси сифатида ўз ўрнини сақлаб келмоқда. Ота боболаримиз қачондан бери қоғоздан фойдаланишади деган саволнинг жавоби мураккаб бўлиб унинг бир неча талқини бор. Матбуотда кенг тарқалган биринчи талқин бўйича у қадимги Хитойда эрамининг 105-

йилида Хо императорининг маслаҳатчиси билимдон Цай Лун томонидан кашф қилинди.

Қадимги Хитой қоғози

«Охириги Хань тарихи»да ёзилишича қоғозни Цай Лун ихтиро қилгани битилган. Қадимги хитойликлар китоб ва хужжатларни ёзишда бамбук таёқчалари ва шойи матосидан фойдаланишар эди. Бизга янги ёзув ашёси ихтиро қилиб берсанг, шойи қиммат, бамбук оғир иккиси ҳам ноқулай деб мурожат қилишади. Цай Лун дарахт пўстлғи, кўкнори пояси,(конопля) эски латта ва балиқчилар тўри сингари ашёларни толаларга ажратиб янги Чжи ашёсини қоғозни ихтиро қилади. Шундан бери инсоният қоғоздан турли мақсадларда фойдаланиб келади. Олдинги қоғозлар ҳақида Хитойнинг шимолий-ғарбий қисмларидаги “ўлик” шаҳарларга уюштирилган хитой ва европаликларнинг XX аср бошларида уюштирилган экспедициялар натижасида топилган қоғоз бўлақларидан маълумот олиш мумкин.

1 **Харо-Хото** 1942йил хитойлик ва шведларнинг С.Гедин экспедицияси Алашан (Шимолий-ғарбий Хитой) саҳросида лойдан қурилган қоровуллар минораси остидан шу кунгачан маълум бўлган энг қадимги қоғоз парчаларини топди. Археологик белгиларга кўра бу қоғоз парчалари 98йилга тегишли.

Бу Цай Луннинг қоғозни ихтиро қилган даврга яқин.

2. Луандага уюштирилган С.Гедин (1899й.) ва А.Стей (1906-1908й) экспедициялари III асрга тегишли қоғоз бўлақларини топади.

3. Шимоли ғарбий Хитойнинг Ганьсу вилоятида Могао ёки «Минг будда» ғорларида буддавийлик талимоти ўқувчиларининг яшаш ўқиш қараргоҳи бўлиб кейинчалик маҳаллий одамлар ўз яшаш жойларига айлантирган эди. 1900 йили кириш йўли ёпиб қўйилган ғор маҳаллий одамлар томонидан очилганда минглаб қўлёзма ўрам варақлари яширилган кутубхонада борлиги маълум бўлди. Тез оради бу ерга хитой, сўғд, қадимги турк, иврид тилларида

қоғозда битилган кўлёзма ва қадимги суратларни ўрганиш бўйича Европанинг турли мамлакатларидан илмий экспедициялар тўпланди. Бугунги кунда Европада Дуньхуаннинг будда таълимотига оид 20 000га яқин турли кўлёмалар Европа музей ва коллекцияларида сақланмоқда. Янги Сун (960-1279йй.) сулоласи даврида қоғоз тайёрлаш қайта тикланди. Сунликлар даври қоғозлари тури, ўлчамларининг ўхшашлиги ягона стардатда бўлганлигини кўрсатади. Дунхуан қоғозлари хитойнинг барча қоғоз турларини қамраб ололмади. Ёзув манбааларида кўрсатилишича Император саройида юқори сифати ва чиройи билан ажралиб турувчи қоғоздан фойдаланилган. Хитой манбаларида учкун чиқарувчи, сув ўтказмайдиган “хушбўй, асалли, қоғоз” ва “юпка, нозик қизил қоғозлар” ҳақида ҳам хабар берилади. Кейинги даврларда кўлда тайёрланган хитой қоғози турларининг икки –*шуан чжи* ва *као чжи* турларини кўришиш мумкин.

Кўлда тайёрланган хитой қоғозининг турлари.

Номи	Шуан чжи	Као чжи
<i>Кўлланиши</i>	<i>Каллиграфия, безакдор хат ёзиши учун</i>	<i>Идишлар учун, ўраш, гигиена мақсадида, деворни безаш ва кўмиши маросимларида ёқиши учун</i>
<i>Ашёси</i>	<i>Ипак ва бамбук</i>	<i>Шоли, бугдой сомони ва конопля</i>

Хитойлик тадқиқотчилар қоғозининг қадимги турларини тафтиш қилиб аниқларича унинг хом ашёси сифатида кўкнори (*лот. Cannabis sativa*) поясидан, кейинчалик тут пўстлоғи (*Brussonetia papyrifera*) тайёрланган экан. Бамбукдан (*лот. Bambusa*) хом ашё сифатида анча кейин VIII асрларда фойдаланилган.

Қадимги хитой қоғозларининг шакли ва турлари.

Хитойда Дунхуан қоғоз намуналари турли туман бўлган. Vаср қоғози турли кўринишларда бўлиб оч жигарранг, сирти силлиқ мустаҳкамловчи таркиб билан қопланган. Vаср охири VII аср бошларида тайёрланган қоғозлар сарғимтир рангга бўялган баъзиларининг юзаси нотекис бўлса бошқалари силлиқ яхши шалдироқ овоз чиқарувчи бўлган. Шу даврларда бўялмаганлари ҳам учрайди. VII- IX асрларда ўзаро урушлар таъсирида бўлган Тан (618-907йй) давлати даврида юқори сифатли қоғозлар_кам учрайди.

Хитой қоғозини тайёрлаш жараёни:

Хом ашёни майдалаш, толаларга ажратиш, сузиб олиш, зичлаб сувини чиқариш, қуритиш.босқичларини қамраб олади.

Майдалаш: ўғирда амалга оширилган. “Тин-Гун-Кай-Ву” кўрсатилишича XVIIаср майдалаш бир болғали, пичоқли усулда амалга оширилган. Қоғоз намуналарининг Морфологик тахлили кўрсатишича технологик жараёнида кўшимча тўлдирувчи қўшилган бўлиб, сифатида гипс, мел ва каолин (оқ тупроқ) кўшилган..

Қоғоз мустаҳкамлигини ошириш мақсадида увода таркибига елим кўшилган. Елим қоғоз мустаҳкамлигини тامينлаш билан бирга хашоратлардан химоя қилган.Тахминан Vасрдан бошлаб қоғоз таркибига ўсимлик шираси кўшилиши қоғозга оч сарғимтир ранг берган.

Қоғозни элакда сузиб олиш: Хитойда қоғозни сузиб олишнинг икки усулини ихтиро қилинган бўлиб, улардан бугунги кунгачан фойдаланилади.

Биринчи усул- Қадимги қоғоз намуналарининг баъзилари ёрузга қаратилганда элак_излари кўринмайди. Варақни сузиб олувчи элак

тешиклари жуда майда бўлган. Варақни сузиб олувчи олдинги элаклар тузилиши содда бўлиб, бамбук ёғочидан тайёрланган. Мато тортилган тўртбурчак шаклдаги элак ичига қоғознинг толалардан иборат суюк кўриниши қуйилиб кўл кафти билан ёйиб текисланган. Бу усулнинг камчилиги асос мато туклари варақни ажратиб олишни қийинлаштиргани учун қоғоз қуригач олинган. Бу ўз навбатида кўп вақт кутишни талаб қилади.

Иккинчи усул- Қадимги хитой қоғозининг иккинчи тури ёруғга қаратилганда параллел жойлашган ингичка бамбук таёқчаларининг излари аниқ кўринади. Бамбук танасининг юзаси силлиқ, эгилувчанлиги сабаб унинг юзасидан нам варақни ажратиб олиш қийинчилик туғдирмайди. Бундай элак суюқ қоғоз ичига тўлиқ ботириб сўнг кўтариб олинади.


Зичлаш- нам варақлар тўплами устига юзаси теккис тахта қўйиб, устидан тошлар жойланиб юк миқдори ошириб борилган.

Қуриши- Суви чиқарилган варақлар офтобда қизиган тош ёки тахта юзасига ёйиб ёпиштириш орқали бажарилган.

Қуриган варақларга ишлов берилган II-III асрларга тегишли “Ши-Мин” ёзмаларида силлиқ ва қайроқ тош юзаси сингари сирпанувчан” ва “кенг, теккис тахта“ га ўхшаш силлиқланган қоғоз ҳақида гапирилганда крахмал билан ишлов берилган қоғоз назарда тутилган.

Хитойда қоғоз ишлаб чиқаришнинг ўсиши кўплаб сохаларга таъсир ўтказди. Анъанавий ўрам китоблар ўрнини кодекслар эгаллади. Китоб тайёрлашда ксилография босиш усули қўланила бошланди. Хитойда биринчи бўлиб қоғоздан пуллар, санитария қоғози, ўйин қарталари тайёрланди.

Қоғоз тайёрлаш биринчилардан бўлиб будавийлик дини тарқалган Корея, Япония ерларига тарқалди. Хитойликлар қоғоз тайёрлаш сирини узоқ вақт сир сақлашга бўлган уринишларига қарамай у кўшни Корея ва Япония давлатларига тарқалди.



1 сурат. Қадимги Хитойда қоғоз тайёрлаш. Хитойлик rassom чизган сурат.

2 сурат. Қадимда қоғоздан тайёрланган Хитой пуллари



Самарқанд қоғози тарихи

Марказий Осий ерларида қоғоз тайёрлаш тарихи хақида турли маълумотлар мавжуд бўлиб улардан кенг тарқалгани 751 йилда Араб Хитой қўшинлари орасида бўлиб ўтган Талас жанги билан боғланган.

Тарихга “Талас” жанги номи билан кирган урушда араблар ғолиб бўладилар. Асирга тушган хитойлик асирлар орасида қоғоз тайёрлаш сирини билганлари ўз хаётларини сақлаб қолиниши эвазига қоғоз тайёрлаш усулини арабларга ўргатишни таклиф қиладилар. Шундай қилиб биринчи қоғоз тайёрлаш устахоналари араблар ва хитойлик хунарманд асирлар томонидан Самарқандда ташкил қилинди.

Лекин баъзи олимларнинг фикрича, Ўрта Осиё худудида, хусусан Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш Араб халифалигига қадар ҳам мавжуд бўлган. 1931 йили Муғтепа тоғидан топилган Самарқанд ҳукмдорларига оид ҳужатлар ҳамда Тупрокқалъада қўлга киритилган Хоразм архив материаллари Суғдиёна, Хоразм ва Бактриядаги қоғозга ёзилган маҳаллий қўлёмаларнинг араблар босқинидан аввалги даврларга оидлигини асослайди.¹

¹ Кациржак: История Узбекистан.—Т..”ФАН”, 1974.С.50.

Х асрга келиб юқори сифатли, яхши грунтланган ҳар икки томонида сиёҳ билан ёзиш имконияти бўлган Самарқанд қоғози кўплаб мамлакатларга экспорт қилина бошланди.

Араб тарихчиси Ибн Холдун (809 й/1406 й) қоғоз тайёрлаш 8 асрда Арманистон, Озарбайжон Касбий бўйи ерлари генерал-губернатори Хуросон Фазлбек Яҳё Х-асрга тегишли Форс ёзма маълумотларига қараганда Самарқанд қоғози кўшни давлатларга олиб чиқилган 11 асрга келиб Форс шоирлари Самарқанд қоғози ишлаб чиқарувчи корхоналарини ўз шеърларида куйлашган. Чингизхон кўшини босқини қоғоз тайёрлашга қандай тасир этганлиги ҳақида фикир билдириш қийин бўлсада 1264 йилда Самарқандда қуронни ёд билувчи бир киши бир ой давомида қоғозда битилган матнлар ёрдамида маруза ўқиган. Соҳибқирон А.Темур даврида ҳам қоғоз ишлаб чиқариш ҳунарманчиликнинг олдинги ўринда бўлган. Марказий Осиё ва араб ерларида тайёрланган қоғозлар ишлаб чиқарилган жойига қараб:

“Самарқандий”, “Боғдодий”, “Исфахоний”, “Бухорий”, “Хитойи”, “Кашмирий” ва бошқа номлар билан юритилган.

Самарқанда қоғоз тайёрлаш бошлангандан кейин қисқа вақит орасида Шарқ мамлакатларида машҳурликка эришди. Марказий Осиёни ўрганган машҳур Шарқшунос олим , саёҳатчи, этнограф А.Вамберли 1863 йилда Самарқанд қоғози ҳақида шундай ёзади “Бухоро ва Самарқандда тайёрланган қоғозлар Туркистон ва унга кўшни ерларда катта шухратга эга.” Кейинчалик В.Л. Вяткин “Самарқанд қоғози сифатли ишлаб чиқарилиши билан машҳур бўлиб бошқа кўплаб мамлакатларга чиқарилган. Минг йиллар давомида Самарқандлик қоғозгарлар дунёдаги энг яхши қоғозлардан бирини тайёрлашга эришдилар деб ёзади. Бу қоғоз пишиқ, юзаси силлиқ ва сиёҳни оз шимиши билан машҳур бўлди.

Самарқанд қоғози турлари: “Султон қоғози. Ранги оқ, юпқа юмшоқ. Нимканоф” шойи чиқиндилари ва каноф аралашмасидан тайёрланган, ранги жигарранг. 18 асрда Самарқанд ва унинг атрофида 42 та қоғоз тайёрлаш устахоналари мавжуд бўлган.

Самарқанд қоғози бир неча турда бўлган.

Биринчиси шойидан тайёрланган, зич, юқори сифатли, сирти силлик, ранги сарғимтир ушлаганда ёқимли бўлиб “Ипак қоғоз” деб аталган.

Иккинчи тури ярим ипак қоғоз бўлиб, ипак ва каноп аралашмасидан тайёрланган бўлиб қалин, пухта силлиқлашга мойил бўлиб “Нимкатони” деб аталган.

Учинчи тури пахтадан тайёрланган. Бу уч турдаги қоғозлар ёруқга қаратилганда элак излари кўринмаган. Самарқанд қоғозининг машҳурларидан бири уста “Мир Иброҳим қоғози” жуда машҳур бўлган. Бу қоғоз бир тангалик ўлчамдаги халқа шаклида оқ “сув белгиси” билан тайёрланган вабошқа қоғозлардан ажралиб турган.

Самарқанд қоғозига берилган таърифлар

Самарқанд қоғозининг таърифи хусусида Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1482-1530) ўзининг “Бобурнома” китобида шундай ёзади: “Оламда яхши қоғоз Самарқаддин чиқар, Жувози қоғозлар суви тамом Конибилдан келадур. Конибил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора суви Обираҳмат дерлар”



Самарқанд қоғозининг сифати ҳақида олим Абу Мансур Саолибий ўз асарларидан бирида: «Самарқандга хос нарсалардан бири, унинг қоғози бўлиб, бу қоғоз Миср қоғозидан устун туради. У жуда чиройли, нозик, нафис ва ёзиш учун қулайдир», деб ёзган.

Султон Али Машҳадий 1514 йилда ёзилган трактатида турли қоғозлар ҳақида шундай ёзади: Хитой қоғозидан яхши қоғоз йўқдир. Самарқанд қоғози қандай ажойиб! Агар сен ақилли одам


бўлсанг ундан воз кечма. Унда ёзув текис ва чиройли ёзилади...

Марказий Осиёни ўрганган машҳур Шарқшунос олим, саёҳатчи, этнограф А.Вамберли 1863 йилда Самарқан қоғози ҳақида шундай ёзади”Бухоро ва Самарқандда тайёрланган қоғозлар Туркистон ва унга қўшни ерларда катта шуҳратга эга.” Кейинчалик В.Л. Вяткин “Самарқанд қоғози сифатли ишлаб чиқарилиши билан машҳур бўлиб бошқа кўплаб мамлакатларга чиқарилган. Минг йиллар давомида Самарқандлик қоғозгарлар дунёдаги энг яхши қоғозлардан бирини тайёрлашга эришдилар деб ёзади.Бу қоғоз пишиқ, юзаси силлиқ ва сиёҳни оз шимиши билан машҳур бўлди.

18 асрда юқори сифтли Самарқанд қоғози аштархонидлар даврида Абдулазизхон (1645-1680) даврида қоғозлар тайёрланди. Бизнинг давргачан етиб келган қўлёмалар бу малумотларни тасдиқлайди. Бу қоғозла қалин оч сарғимтир рангдабўлиб, яхши силлиқланган қўлга олганда жуда ёқимли бўлган. 16 асрдаги ёзилган Вакуф хужатлари ҳам буни тасдиқлайди. Рус археологи ёзишича” Сиёб ариғи пастидаунга қўйилувчи Оби Машхад шахзода Абдулла кўприги бор унинг юқориси Сиёб ариғи ариғи бўйида кўплаб қоғоз тегирмонлари ва қоғоз тайёрлаш хом ашёлари учун бинолар бор. Хужатларда ёзилишича тегирмон механизмлари ёғоч, тош ва металдан бинолар синч (каркас) усулида қурилган. Самарқанддан бошқа қоғоз зиёлилар, ўқув марказлари жойлашган шаҳарлардан Бухоро ва Ҳиротда ривож топди. Қоғоз ишлаб чиқариш Бухорода қачондан бошлангани ҳақида аниқ фикрни билдириш қийин бўлсада 1252-1253 йилда бошланган лигини тахмин қилинади. Бухоро яқинидаги каналлар номи Жувози қоғоз, XVIII аср бошларида Самарқанд атрофида 42 та қоғоз тайёрлаш устахонаси мавжуд бўлган Самарқанд қоғози тайёрлаш бошлангандан кейин қисқа вақит орасида Шарқ мамлакатларида машҳурликка эришди. Марказий Осиёни ўрганган машҳур Шарқшунос олим , саёҳатчи, этнограф А.Вамберли 1863 йилда Самарқан қоғози ҳақида шундай ёзади”Бухоро ва Самарқандда

тайёрланган қоғозлар Туркистон ва унга қўшни ерларда катта шухратга эга” Кейинчалик В.Л. Вяткин “Самарқанд сифатлиги қоғози ишлаб чиқариши билан машхур бўлиб у кўплаб бошқа мамлакатларга чиқарилган Минг йиллар давомида Самарқандлик қоғозгарлар дунёдаги энг яхши қоғозни тайёрлашга эршдилар”

Самарқанд қоғози турлари: “Султон қоғози. Ранги оқ,юпқа юмшоқ “Шойи қоғози” сирти силлиқ,ранги оч сарғимтир. “Мир Иброҳим қоғози сув белгиси бор бўлган”” Нимканоп” шойи чиқиндилари ва каном аралашмасидан тайёрланган, ранги жигарранг. Соҳибқирон А.Темур даврида ҳам қоғоз ишлаб чиқариш хунарманчилиқнинг олдинги ўринда бўлган. 18 асрда Самарқанд ва унинг атрофида 42 та қоғоз тайёрлаш устахоналари мавжуд бўлган.



Қоғоз тайёрлаш жараёни тасвирланган XVI аср миниатюраси

Рус олими Профессор А.А.Семенов XV аср иккинчи ярмида битилган кўлэзма китобларни ўрганиб чиқиб, қоғозларнинг юқори сифатли 2 хили

Самарқанд ва Бухорода ишлаб чиқарилганлигини аниқлаган. Унинг биринчи тури асосан ипак ашёсидан ишланган бўлиб, ўзининг зичлиги, тозаллиги ва силлиқлиги билан ажралиб турган. Иккинчи тури яримипак ва кўкнори толасидан тайёрланган.

Шарқшунос, этнограф, саёхатчи А.Вамбери Ўрта Осиё қоғозлари ҳақида шундай ёзади - “Самарқанд, Бухорода тайёрланган қоғоз бутун Туркистон ва қўшни давлатларда катта шухратга эга”. XVI асрнинг машҳур хаттоти Султон Али Машхадий Самарқанд қоғози ҳақида “...Самарқанд қоғози қандай ажойиб! Ақилли киши ундан фойдаланади. Унда хат текис ва чиройли ёзилади” деб айтган эди.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг Самарқанд қоғозининг шухратини тиклаш мақсадида Самарқанднинг Кониғил манзилида Зариф Мухторов оиласи, Бухорода миниатюра рассоми ва Тошкентда К. Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчилари машҳур Самарқанд қоғозини тайёрлаш усулини тиклаш йўлида кўп меҳнат қилмоқдалар.

Кўқон қоғози

Кўқон қоғози пахта толаларидан тайёрланган яхши силлиқланиши сифатли кўринишига мустаҳкамлигига қарамай бир оз дағал, юпқалари ёруғга тутилганида тўр излари аниқ кўринади. Қалин турлари бир оз кўпол бўлишига қарамай юқори сифатли бўлган. Бу қоғознинг тайёрланиш усули ҳақида оз бўлсада маълумотлар сақланиб қолган. Кўқон қоғози асосан эски латта маҳсулотларини ишқор ва охак ёрдамида бир ойдан кўпроқ вақт давомида чиритиш сув тегирмонида майдалаш орқали тайёрланган. Бу ҳақда рус шарқшунос академиги А.А Семёнов ўзининг 1963 йилдаг чоп қилинган *О СРЕДНЕ АЗИАТСКОЙ БУМАГЕ (Сорта среднеазиатской бумаги, ее производство и способ окраски)* номли мақоласида баён қилган.

19 асрларда Қўқон ва Тошкент шаҳарларида қоғоз тайёрланган Сибир казаги Максимов ёзишича қоғоз Қўқон ва Тошкентда тайёрланган. Тошкентлик савдогар Аҳмадга тегишли қоғоз корхонасида йигирмага яқин ишчилар ишлашган.

1918 йилда Бухоро амири давлати Қўқондан ёзув қоғоз тайёрловчи икки усталар Ёдгор ва Убайдани таклиф қилишади. Гурбун деган жойда қоғоз ишловчи устахона ташкил қилинади. Уларга шогирд сфатида қирик нафар эркак берилади. Бу устахона 1923 йилларга қадар ишлаб у ерда тайёрланган қоғоздан амирлик кейинчалик Бухоро Республикасининг қоғоз пулларини тайёрлашда ишлатилади

Араб қоғози

Араб ерларида қоғоз тайёрлаш Халифа Хорун ал Рашид (776-809 йй.) даврида араб ерларида устахоналари кўпайиб қоғоз тайёрлаш юқори чўққига кўтарилди. Боғдод қоғоз тайёрлашнинг йирик марказига айланди. Боғдодда қурилган биричи қоғоз ишлаш устахонаси **Аль-Фазль ибн Яхья** томонидан 794 й(178хижрий)ташкил қилинган.

IX асрга келиб Шимолий Африка араблари ҳам қоғоз тайёрлашни бошлашди. X -асрда қоғоз ёзув ашёси сифатида папирус ўрнини тўлиқ эгаллади. XI- асрда араб халифалигининг қоғоз тайёрлаш марказларидан бири сифатида Фец (бугунги Марокаш ерлари)да аср охирларида 400га яқин устахона ишлади.

Қоғоз Европада

Қоғоз тайёрлаш Европа мамлакатларига X асрда арабларнинг Испанияни босиб олганларидан кейин тарқалди. Хож юриши даврида қоғоз тайёрлаш Испания орқали кўшни Европа давлатлари Италия, Венгрия, Голандия Франция, Германия, ерларига тарқалди.

Европада қоғоз ишлаб чиқаришга катта туртки бўлган воқеа XV асрда И. Гутенберг томонидан китоб босиш механик станогининг кашф қилиниши бўлди. Қоғоз тайёрлаш бўйича янги технологиялар кашф қилина бошланди. XVII аср охирида Голландияда толаларни майдаловчи пичоқлар ўрнатилган, айланиб турувчи темир вали (роллер) қурилма ихтиро қилиниши ишлаб чиқаришни бир неча баробарга оширди. 1799 йилда француз Луи Робер механизациялашган тўхтовсиз ишлайдиган эластик станокни яратиб қоғоз ишлаб чиқаришни янги даражага кўтарди. 1806 йилда ака-ука Г.ва С Фурдриньелар “Робер”патентини сотиб олиб Англияда унинг станогини такомиллаштиришди. Бугунги кунда қоғоз замонавий станокларда узлуксиз равишда юқори сифатда ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда қоғоз ишлаб чиқаришда ҳам ашё сифатида дарахт толаларидан ажратиб олинadиган целлюлозадан фойдаланилади. Целлюлозанинг табиатдаги энг тоза ҳолда кўриниши пахта чигитидаги узунлиги бир сантиметр атрофидаги оқ толалардир. Қоғоз Рус ерларида анча кеч XIII асрда Франция орқали кириб келди.

Рус ерларида илк қоғоз тайёрлаш шох Иван Грозний даврида Москва шаҳри яқинида биринчи қоғоз тегирмони қурилганидан кейин бошланди. Икинчи тегирмон Украина ерларида 17 асрда қурилди. Пётр 1 даврида қоғоз тайёрлашга катта этибор берилиб Петербург вилоятида 1716 й.Дудергоф фабрикаси қурилади.. 1720 йилда шох буюруғига асосан армия ва денгичилар эски кийим ва кема елкани,арқонларини махсус ерларга топширишлари керак эдилар. Рус халқи учун қоғознинг арзон ашёси бўлган эски латта солиғи жорий қилинади,Четдан келтириладиган қоғоз солиғи оширилади. Натижада қоғоз фабрикалар сони кескин кўпайиб 18 асрга келиб Россияда олтмишта қоғоз тайёрлаш фабрикалари фаолият олиб боради.

Мавзу юзасидан саволлар

- 1.Қоғоз қаерда кашф қилинди?
- 2.Хитой қоғози неча турда бўлган Номларини биласизми?

3. Самарқанда қоғоз қачон ва қанда сабаб билан тайёрлана бошланди?
4. Араб қоғози тайёрлаш қайси халифалик даврида юқори чўққига кўтарилди?
5. Самарқан қоғози қандай турларини биласиз?
6. З.М. Бобур Самарқан қоғозига қандай таъриф берган?
7. Мириброҳим қоғози нтиаси билан машҳур эди?
8. Қўқон ва Тошкет қоғозлари ҳақида ким малумот беради?
9. Қўқон қоғози ашёси нимадан тайёрланди.?т
10. Самарқанд қоғозини тиклаш учун юртимизда бугун олиб борилаётган ишлар ҳақида нималарни биласиз?
11. Қоғоз нима?
12. Европа мамлакатларига қоғоз қачон ва қандай кириб келди?
13. Европада қоғоз ишлаб чиқаришга кимнинг, қайси кашфиёти туртки бўлган?

Бугунги кунда қоғоз турлари

Баъзи маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунёда 600 тадан ортиқ қоғоз турлари мавжуд. Қоғознинг энг кўп ишлаб чиқариладиган турлари куйидагилар:

Канцелярия қоғозлари – ёзув учун;

Ватман (ярим ватман) қоғози – тасвир ишлаш учун қалин ва мустаҳкам;

Таршон- сувли бўёқларда расм ишлаш учун.

Мелованная– ялтироқ, сифати юқори, пишиқ қоғоз. Журнал, каталог, буклет каби ёрқин рангли реклама босма нашри учун ишлатилади.

Калька ([фр. calque](#)) – шаффоф қоғоз, тасвирдан нусха олиш учун.

Нусха олиш(копёрка) қоғози – юпқа қоғоз, бир томонига махсус бўёқ қопланган бўлиб, ёзув ва тасвир нусхасини қолдириш учун чиқарилади.

Ўрам қоғози- савдода махсулотни ўраш учун чиқарилади.

Газета қоғози- матбуот учун.

Картон қоғози- товар қутиларини тайёрлаш учун.

Салфетка- хўжалик қоғози, озодалик учун ишлатилади.

Таршон қоғози - сўз маъноси ғадир–будир, нотекисликни билдиради. Унинг таркиби-юз фоиз целлюлозадан иборат бўлиб, сувли бўёқ турларида сурат ишлаш учун ишлаб чиқарилади.

Қоғоз форматлари

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) да қоғоз формати уч турдаги **А, В, С** - сериялардан иборат. Бугунги кунда асосий икки: халқаро **А** ва Шимолий Америка давлатларининг **В** стандартлари мавжуд. Халқаро **А** стандарти Германиянинг DIN 467 стандарти асосида 1975 йилда қабул қилинган. **А** стандарти ҳақида тўлиқ маълумот олсак унинг катта формати **А0**(0,841x1,189) бир квадрат метр ташкил қилади, **А0** форматининг тенг иккига букланиши **А1** форматини ҳосил қилади. Демак ҳар бир қоғоз формати ўзидан олдинги ўлчамнинг тенгярмини ташкил қилади.

А стандарти		В стандарти	
номи	формат ўлчами мм	номи	формат ўлчами мм
A0	841x1189	B 0	1000x1414
A1	594x841	B1	707x1000
A2	420x594	B2	500x707
A3	297x420	B3	353x500
A4	210x297	B4	250x353
A5	148x210	B5	176x250
A6	105x148	B6	125x176
A7	74x105	B7	88x125
A8	52x74	B8	62x88
A9	37x52	B9	44x62
A10	26x37	B10	31x44


А0, А1 қоғози – лойиҳа чизмалари ва плакатлар

A2, A3 қоғози – лойиха чизмалари, диаграмма, катта ўлчамли жадваллар.

A4 қоғози – хат, журнал, каталог, офис қоғози, принтер ва нусха олиш

A5 қоғози – кайднома қоғози, блокнот, табрик откриткалари, реклама

A6 қоғози – почта откриткалари, карточкалар учун ишлаб чиқарилади.



A0- стандарт қоғозининг форматларга бўлиниш схемаси

Ватман

Ватман қоғози ([англ. Whatman paper](#)) — Англияда 1750 йилларда [Жеймс Ватман қоғоз фабрикасида тайёрланган](#).

Ж.Ватман ўз фабрикасида-қоғозда симтўр изи қолмайдиган янги ишлаб чиқариш турини ихтиро қилди ва бу усулни *wove paper* – матоли қоғоз деб номлайди. Бугунги кунда **A0** ўлчамдаги қоғозни Ватман қоғози деб аташга кўникиб қолганмиз аслида бу ном қоғоз турини билдиради.

Юқори сифатли - ранги оқ, толаси зич, сирти қаттиқ, ишқаланишга чидамли бўлиб турли график ашёлар: графит қалам турлари, сиёх, тушь, сувли бўёқларда, рангтасвир, плакат, лойиха чизмаларини чизишга учун чиқарилади.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Қоғоз формати деганда нимани тушунасиз?
2. Қоғознинг 0 (ноль) формати асосида қандай ўлчам қабул қилинган?
3. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) да қоғознинг қайси стандарти, нима асосида қабул қилинган?
4. Қоғознинг халқаро А стандарти қачон ва нима асосида қабул қилинган ?
5. Қоғознинг бугунги Кунда қандай турларини биласиз?
6. Калка қоғози нима учун ишлатилади?
7. Қоғоз тарифини айтинг.

8. Талас жанги қачон бўлган ва унинг қоғозга қандай алоқаси бор?
9. Қоғоз Европа мамлакатларидан қай бирида аввал ривожланди?
10. Россияда қоғоз тайёрлаш қачон бошланди?
11. Целлюлоза нима ва утоза ҳолда қаерда учрайди?
12. Ж.Ватман қоғоз тайёрлашда қандай янгилик ихтирочиси?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

2. А.П.Балаченкова история бумаги и бумажного производства Санкт Петербург 2011.
3. А.А. Семёнов О Среднеазиатской бумаге. Из Академии наук Таджикиской сср Душанбе 1963.
5. Сабилов М. Хаджиметов Б. Мутахассислик бўйича материалшунослик Тошкент Info Sahital Group 2018.
6. Иброҳим Йўлдошев Ўзбек китобат санъати ва терминологияси Тошкент “Turon Iqbol” 2018

Графика ашёлари

Қалам – ёғоч қобикли ҳар қандай шароитда ўз вазифасини бажарадиган энг қулай ёзув ашёси.

Тарихи: қалам кашф қилунга қадар XIII асрда учига кумуш, кўрғошин сим, пайванд қилинган металл таёқчалардан фойдаланилганлар.

XIV асрга келиб Италияда қора тупроқ, суяк куюндиси ва ўсимлик елими аралашмасидан “итальян қалами” тайёрланиб, тасвир ишлаш ва ёзишда фойдаланилади. Италия қаламида ишланган суратларга немис рассоми Альберхт Дюрер чизган суратларни мисол келтириш мумкин.

Графит қаламининг пайдо бўлишига XVI асрда Англиянинг Камберленд вилоятида бўлиб ўтган кучли бўрон натижасида катта дарахтларнинг ағдалириши сабаб бўлди. Маҳаллий чўпонлар ағдарилган дарахтлар остида олдин ўзлари кўрмаган қора тошларни кўриб, уни кўмир тури бўлса керак деб уни ёқишга уринишади. Ёнмагандан кейин кўрғошин бўлса керак деб, уни эритиб ўқ ясашга ҳаракат қилишади. Ҳар икки уриниш натижа бермагач, бу қора тошлар бошқа сатҳга сурилганда ўзидан яхши из

қолдиргани сабабли ўз қўйларини белгилашда ишлатадилар. Қўл билан ушлаганда ўзидан қора доғ қолдиргани сабабли ундан хат ёзишда фойдаланишнинг имкони бўлмайди. Шахарлик рассомлар бу тош таёқчани икки ёғоч орасига қўйиб, устидан мато ўраб сурат чизишда фойдалана бошлайдилар.

1683-йил битикларида келтирилишича, Германияда графит қаламларини ишлаб чиқариш Нюрнберг шаҳри яқинидаги Штайн деган жойда йўлга қўйилади. Графит, олтингугурт ва елим аралашмасидан тайёрланган қалам ўзагининг сифати яхши бўлмаганлиги сабабли арзон нархларда сотиларди.

1758 йилда Штайнга кўчиб келган дурадгор Каспар Фабер қалам ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, машҳур “Faber-Castelle” фирмасига асос солади.

1789 йилга келиб олим **Карл Вильгельм Шееле** графит углероддан ташкил топганлигини исботлаб, унга **графит** (юнонча γράφω – “ёзаман”) номини беради.

Графит қалам Ишлаб чиқариш Германиянинг Нюьринберг шаҳрида бошанган эди. 1790 йилда Веналик уста Йозеф Хардмут лой ва графит кукуни қоришмасидан тайёрланган тигллардан бирини тасодифан синдириб кўяди. Синган тигил парчаси қоғоз сиртида аниқ чизик қолдиришини кўргач лой ва графитнинг турли фоизли аралашмалари устида синовлар ўтқазса бошлади. Синовлар натижасида у лой ва графитнинг энг мақбул нисбатларини аниқлаб ўз фабрикасида қобиқсиз қалам таёқчаларини тайёрлай бошлади. Қобиқсиз таёқчаларнинг камчилик томони ушлашга ноқулай бўлиб, бармоқларни кир қилиши ва онсон синувчанлигида эди. Шу йилнинг ўзида Йозеф Хардмут бугуги кунгача фаолият юргазиб келаётган қалам ишлаб чиқарувчи машҳур “Koh-i-Noor Hardtmuth” корхонасини ташкил қилди.

Хардмутга алоқаси бўлмаган ҳолда, 1795йил француз олими, ихтирочи **Никола Жак Конте** ҳам қатор тажрибалар ўтказиб, графит қалам таёқчаларини ёғоч ичига жойлаштириб биз билган қаламни таёрлади.

ҚАЛАМ ВА ЛАСТИК

Ёғоч қобикдаги қалам турлари.


1.Графит қалами. 2.Рангли қалам. 3.Акварель қаламлари.пастел , сангина қаламлари.

Графит қалам юмшоқлик ва қаттиқлик даражалари ҳар ҳил бўлиб, улар турли ҳарф ва рақам билан белгиланади. Россияда ишлаб чиқарилувчи қаламлар Т– (твёрдый) қаттиқ, М –(мягкий) юмшоқ.

Бундан ташқари, В – қоралиги (инглиз тилидаги blackness)

Н – қаттиқ (инглизча hardness) ва НВ – ўртача чиқарилади.

F – ингичка (ингл. fine point) – НВ ва Н оралиғидаги қалам.



Қаламга бўлган талаблар: пичоқ ёрдамида энгил очилиши, мўрт бўлмаслиги (енгил босим билан чизганда синмаслиги), қалам билан чизилган чизгининг энгил ўчиши, қоғозни тирнамаслиги, бир хил босимда бир хил қалинликда чизик қолдириши.

Қалам яшаш учун графит, каолин, гипс, куйган суяк, қора қурум ва оз миқдорда елим керак бўлади. Яхши қалам ашёси бир квадрат сантиметрда 16 000 тешикчалари бўлган элакдан ўтказилади.

Хом ашёлар аралашмасидан ҳосил қилинган графит қаламчалар 100⁰С иссиқликда 5-6 соат қуритилиб, 150–250⁰ С да 2–3 соат қиздирилади. Тайёр грфит таёқчалари синмаслиги, бармоқларни қорайтирмаслиги учун ёғоч қобиқларга жойлаштирилади. Қалам қобиғи -толалари бир томонга қараб йўналтирилган, пичоқ билан йўнишга қулай Кедр дарахти тахтасидан тайёрланади.

Қурук дарахт тахтасидан олтита қалам жойлашадиган ўлчамда



тахтачалар тайёрланади.

Тахтача юзасида узун чуқурчалар ўйилиб уларга

елим сурилади ва

графит таёқчаси жойлаб

устидан иккинчи тахта

ёпиштирилади. Ўткир

аррали станокда тахта

каламларга ажратиб кесилади. Қаламлар сирти рангли бўёқда бўялиб ишлаб чиқариш корхонаси номи, қалам юмшоқлигини билдирувчи рақамлар ёзилади. *Қалам тайёрланиш босқичи*

Бугунги кунда ёғоч қобикли қалам турлари кенгайиб бормоқда. Уларга рангли, акварель ва пастель қаламларини мисол қилиш мумкин.

Сангина

Темир оксигга бой бўлган, қизғиш, жигарранг, қоплаш хусусияти юқори бўлган Италия, Франция, Россия мамлакатларининг рангли тупроғидан тайёрланувчи жигарранг тусдаги қобиксиз қалам. Қоғоз, картон, фанер, мато сатхларида ишлашга қулай. Ишлашда енгил, бўяш ва қоплаш хусусиятлари кучли бўлиб, унинг таркиби каолин, мел (бўр), темир зангидан иборат. Бугунги кунда суний пигментли қалам кўринишида ёғоч қобикли турлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Сангинага қўйиладиган талаблар; қоғоз сиртини тирнамаслиги, қоплаш хусусиятининг юқори ва рангининг бир хил бўлиши керак. Ватман сингари қоғозлар сиртида тасвир чизишга мўлжалланган. Ластикда ўчиришда суркалиш хусусиятига эга бўлиб, бутунлай ўчиши қийин бўлгани учун хатосиз ишлашни талаб қилади. Рассомлар сангинани қора қалам ва бўр синтезида кўп ишлатишади.

Пастель

Пастель – лот.«Pasta» –«хамир» маъносини билдиради. Пастель турли ранглардаги қоғозга ўралган, қобиксиз бўлган қаламчалар.

Авваллари рассомлар ундан рангтасвир ишларининг рангли эскизларини ишлашда фойдаланишган бўлсаларда, пастел ёрдамида мустақил якунланган суратлар ҳам ишлаган. Бу ашёнинг ўзига хос томони сатхни яхши қолаб, духобасифат товланади. Пастел тайёрлаш учун жуда майин, ёруққа чидамли, қолаш хусусияти юқори бўлган пигментлар танлаб олинади. Қоғоз сиртига ишқаланганда уваланиб кетмаслиги учун таркибига оз миқдорда трагант елими қўшилади. Икки хом ашё ва сув аралашмасида

хамир ҳолатига келтирилгач, қолип ёки темир трубалар ичидан ўтказиб думалоқ шакл бериб қуритилади. Пастель қаламчалари рангларининг оч ёки тўқлиги таркибидаги оқ пигментнинг миқдорига боғлиқ. Турлари: 1.Қуруқ пастель, 2.Мойли пастель, 3. Воскли пастель. Қуруқ



пастель икки ҳил бўлади; юмшоқ ва қаттиқ. Қаттиқ пастель таркиби қуруқ пигмент ва кўп миқдорда елим иштирок этиб кам уваланади, юмшоқ пастель таркиби асосан қуруқ пигмент ва жуда оз миқдорда трагант елими қўшилиб синувчан ва уваланиш хусусиятига эга бўлади, Мойли пастель таркиби; қуруқ пигмент ва ўсимлик мойидан иборат бўлиб, унинг изларини ластикда ўчиришнинг деярли имкони йўқ ёки қийин кечади. Воскли пастель таркиби; қуруқ пигмент ва воскдан ёки парафиндан иборат бўлади. Пастельда ишлаш учун сирти ғадир-будир бўлган рангли қоғозлардан фойдаланилади.Пастельда чизилган суратлар махсус ёки соч локи сепиб қотирилади ва сақлаш учун ойна остига олинади. Бугунги кунда **пастельнинг** ёғоч қобикли турлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда



1. Қобиксиз пастел қаламчалари

2.Ёғоч қобикли пастел қаламлари

1-мавзу: Анъанавий графика техникаларининг умумий характеристикаси (2 соат)

Графика техника турлари. Анъанавий графика техникаларининг умумий характеристикаси. Литография, офорт, линогравюра техникаларининг яратилиш тарихи. Графиканинг ривожланишида техникаларнинг аҳамияти.

Режа:

1. Графика ҳақида умумий тушунча
2. Графика техникаси турлари

1.1. Графика ҳақида умумий тушунча

Графика - тасвирий санъат турларидан энг қизиқарли ва турли-туман техникаларга эгадир. Графика асарлари оддий қаламдан бошлаб, то мураккаб техникаларда ятатилади. Қуйида графика техника турлари билан танишиб чиқамиз.

Гравюра (*французчадан – gravure, graver – кесиш*) графика тури, доскаларга тасвир туширилиб, кесишнинг турли усуллари билан ишлов берилиб, босмадан чиқарилган санъат асарларига айтилади. Гравюра санъатининг характерли томони – текис материал юзасига чизматасвир туширилади, кейинчалик бўёқ суртилади, ишлов берилади ва қоғозга босилиб тасвир олинади.

XV асрнинг ўрталарида китоб босмаси кашф этилгандан сўнг европача классик китоб пайдо бўлди. Шрифт ва гравюранинг уйғунлашганидан (аввалига ёғочда, XVII асрдан металда) XIX –XX асрнинг бошида, тезликда репродуктив техника ривожланди. Китоб графикасини босмаҳона билан яқинлаштирди. Китоб безакчиси рассом касбига муҳтожлик сезилди.

Графика текис юзали тасвир билан алоқадор. Фон ўрнида хизмат қиладиган оқ ёки рангли қоғоз графиканинг асосида катта роль ўйнайди. Мазкур фонда ифодали чизиқ, штрихлар ва яхлит туслар тасвири жойлашиши мумкин. Графика асарларини босма тиражли ва ягона

нусхаларда яратилади. Ягона нусхадаги яратиладиган асарларга: чизматасвир, акварель, гуашь, монотипия, коллаж, аппликация, фотомонтаж киради. Босма усул ёрдамида (гравюра, эстамп) асарлар тиражи олинади. Ҳар бир оттиск, босма асар муаллиф асари ҳисобланади. Гравюра қайси ашёда ишланганидан, унга қай тарзда ишлов берилганидан – механик (ўйиб ишлаш), химик (ишқорлаш), тираж сони гравюра техникаси ва доска материалига боғлиқ. Гравюрининг асосий материаллари: - металл (мис, рух, пўлат), ёғоч (пальма, нок, олма ва беҳи), линолеум, картон, XX асрдан бошлаб пластик ойна ҳам қўллана бошланди. Гравюрага ишлов бериш механик воситалар ёрдамида махсус пўлат асбобларда ёки кислотада ишқорлаш орқали бажарилади.

1.2. Графика техникаси турлари

Чизматасвир

Тасвирий санъатда муҳим ўрин эгаллайди, шу жумладан рангтасвир, ҳайкалтарошлик, архитектуранинг асосини ташкил этади. Чизматасвир турли хил қаламлар (графит, кумуш, қўрғошин, италия қалами, рангли қалам)да шунингдек: перо, соус, сангина, кўмир, пастел ва бошқа материалларда бажарилади. Уйғониш даврининг классик рассомлари томонидан бажарилган ажойиб чизматасвирлар асосан намуна вазифасини ўтайди. Шунингдек XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларидаги бир қатор рус рассомлари ва бугунги кунда ижод қилаётган ўзбек тасвирий санъат вакиллари чизматасвирлари мисол бўла олади.

Эстамп (*француз. estampe*) – гравюранган дискдан олинган қоғоздаги асар нусхаси (гравюра, литография, линогравюра, офорт, монотипия), эстамп санъат асари деб юритилади. Рассом эстампни доскадан босма усулида ўзи бажарган ишдан нусха олади. Асосан муаллиф станокдан ўзи босма нусхаларини чиқаради. Бундай босма ишларга рассом имзо чекади, бу

муаллифлик нусхаси ҳисобланади ва асл нусха деб қабул қилинади. Эстамп оқ-қора ва рангли кўринишда бўлади.

Шелкография

(инглизчадан. *Silk serene*, франц. *Serigraphie*) – бадиий трафарет босма кўриниши. Рамкага майда ипакли тўр мато тортилган бўлиб, тасвирдан бўш жойлар бўёқ ўтиб кетмайдиган ашёда ёпилади. Мой бўёқ ёки сув аралашма бўёқларни эзиб ипак тўр орқали пастдаги текисликка ўтқазилади. Шу тариқа тасвир қоғознинг юз қисмига тушади. Шелкография ёрқинлиги колоритнинг декоративлиги, тасвирнинг бўртмалиги билан ажралиб туради. Унинг ёрдамида, полотноларнинг сифатли репродукциясини босиб чиқариш мумкин. Хитой ва Япониядан келиб чиққан бу техника XX асрда Европада пайдо бўлди.



1-расм. С. Абатуров. “Хоним портрети”.
шелкография. 2010.



2-расм. А. Каланов. “Ҳимоячи” литография
1990.

Шунингдек графика босма техникалари турларига литография, линогравюра, офорт ҳам мансуб. Юқорида номи келтирилган графика босма техникаларида бажарилган асарлар эстамп – деб аталади.

Акварелда ишланган асарлар ҳам графика санъат турига ҳисобланади. Акварель (француз тилидан олинган сўз), лотин тилидаги “сув” сўзининг кичрайтириб айтилган шакли. Бу ранг-тасвирнинг бажариш усули унда ранг сувда эрийдиган пигментлар орқали берилади. Акварель сўзи рассомликда ишлатиладиган бўёқ учун ҳам, унда яратилган санъат асарлари учун ҳам қўлланилади. Акварель ишлари учун одатий ва энг қулай бўлган ашё қоғоз ҳисобланади. Акварель қоғози кўпинча бутунлай ёки қисман пахтадан қилинади, бу унга яхши фактура ва ҳўл бўлганда тез бузилмаслик хоссасини беради.

2-мавзу: Графика ашёларида ишлаш усуллари ва фарқлари.(2 соат)

Режа:

1. Ашёлар хусусиятлари
2. Графика техникаларидаги ўзаро фарқларни англаш.

2.1. Ашёлар хусусиятлари

Литография, линогравюра, офорт (турлар), шёлкография техникаларида қўлланиладиган ашёлар ва ишлаш жараёнлари. Графика техникаларидаги ўзаро фарқларни англаш. Босма графикада анъанавийлик аҳамияти. Оқ-қора тасвирда нур-сояннинг роли.

Литография

(грекчадан *Litos* – тош, - *grapho* – ёзаман, чизаман) кўп тиражли графика тури, ясси босма усули, қалин (оҳактош) зич тошнинг текис юзасига литография ёғ қалами ёки махсус туш воситасида тасвир чизилади. Махсус ишқорлар билан ишлов берилгач, тошга валик ёрдамида сурилган бўёқ тасвир чизилган жойларга сингади. Литография махсус дастгоҳда босилади. Литографиянинг оддий техникаси, рассомга кенг эркин ижод қилишга имконият беради. Литографияда жонли, ранг-баранг, нозик, қаламнинг юмшоқ қуюқ штрихи ва текис бўйлаш, имкониятини бера олади, яримсоя ва

рефлексларнинг нозик ўйинини кўрсатиш имкониятига эга. Германиялик А.Зенефельдер томонидан 1796-1798й. кашф этилган литография техникаси бадий санъат асарларини яратишда, китобларни безашда бутун дунёга кенг тарқалди.



3.расм. К.Башаров.
“Камондан ўқ узиш мусобақаси”
литография. 1972й.



4.расм. А.Каланов. “Бухоро хотиралари”
офорт. 1990й.

Офорт (француз. *Eauforte*, - аччиқ ароқ, яъни азот кислотаси) – гравюранинг металдаги кўриниши, металнинг кислотада ишқорлашдан ҳосил бўлган, ўйиқ, чуқур, чизик ва элементларга бўёқ суртилади ва дастгоҳда асар босма нусхалари олинади. Мис ёки рух пластинкалари обдон силлиқланиб, сўнгра бироз пластинка қиздирилиб, махсус лак билан грунтланади. Лак таркиби шам, мум, қора сақич, асфальт ва мастикадан иборат.

Пластинка совиб, лак қотгач, махсус пўлат гравюра нинаси ёрдамида чизиклар ҳосил қилиб ишланади, бу чизилган жойларда чуқурлик ҳосил бўлади.

Рух ёки мис пластинкали доскачани азот кислотанинг сув билан аралашмасидаги махсус ванначага ботирилади. Кислота лакка таъсир этмайди, металнинг очиқ қисмлари кислота таъсирида чуқурлашади. Пластинканинг турли жойларида элементларни ишқорлаш вақти, давомийлиги турлича бўлади ва шунинг натижасида штрихлар кучи турлича ва жонли кўринади. Офорт, тушь перода бажарилган чизматасвирга яқинроқ.

2.2. Графика техникаларидаги ўзаро фарқларни англаш.

Литография техникаси худди қаламда чизматасвир ишлагандек, турли тус босимини кўрсата олиш имкониятига эга. Литографияда оқ қоғоздан то тим қора тусгача ишлаш мумкин. Ёруғ – соя, ярим соя, рефлекс, шахсий соя, тушаётган соя ва тусларнинг энгил кўшилиб очдан тўққа ўтиши тасвирга жонли ифода беради. Рангли литография асарлари ҳам графикда кенг ўрин эгаллайди. Уста график рассомлар томонидан яратилган рангли литографиялар жаҳоннинг машҳур музейлари коллекцияларидан жой олган. Рангли литографияни ишлаш жараёни бир мунча вақт талаб этилади. Бунда ҳар бир ранг тошга ҳар гал қайта ишланади, яъни масалан, сариқ ранглар ишланиб чиқилгач, тошда нусха олингач, тошдаги тасвир ўчирилиб, қайтадан бошқа кўк ранг жойлар ишланиб, биринчи олинга оттиск устига туширилади ва ҳ.к

Линогравюра

(инглиз. *Linocut*) – линолеумдаги гравюра, ксилографияга яқин бўртма гравюранинг кўринишларидан бири, у XX асрда пайдо бўлиб, кенг тарқалди. Линогравюранинг асосий хусусиятлари оқ-қора рангларнинг кескинлиги, лаконизм, катта ўлчамдаги қоғозлардан фойдаланиш, рангли босма, кўп тиражда олиш мумкин. Кичик, катта текисликларни бир хилда ва штрихли, жонли, ёрқин қирралари линогравюра қонун-қоидалари сифатида ажралиб туради. Кичик, майда деталларни кўрсата олиш линогравюрада бир мунча қийинроқ.

Линогравюрада техникасида ишлашда бошқача ёндашиш тақозо этади. Линогравюра яхлитлик, оқ ва қора кескин контраст фарқларлари билан ажралиб туради. Линогравюрада ҳам ёруғ-соя, ярим сояларни ифодалашнинг имконияти бор.

Игна билан тирналган штрих офортнинг асосий энг содда кўринишларидан бири бўлиб, ундан ташқари офортнинг бир қатор турлари

мавжуд. Акватинта, лавис, юмшоқ лак, куруқ нина, меццо-тинто шулар жумласидандир. Номлари кўрсатилган офорт техникасининг турлари ҳам металл пластинкаларда бажарилади. Офортни оқ-қора ва рангли кўринишда ишлаш мумкин.

Офорт техникаси эса тушь перода ишлангандек таассурот беради. Тушь-перода ишланган график асарларида штрихлар туси ва босими бир хил бўлса, мис ёки рухда бажарилган ва кислотада ишлов берилган асарларда штрихлар туси турлича бўлади. Босмадан чиққан офорт оттискидаги штрихлар жуда ифодали, жонли ва бетакрор кўринишга эга. Офорт - кислота таъсир этмайдиган махсус лак билан қопланган мис ва рух пластинкалар юзасига игнали асбобда штрихларда ишланиб, сўнгра асосан азот кислотасининг сув билан аралашмасида ишлов берилиб, натижада босма станокдан чиқарилган график асарга айтилади. Аслида офортнинг бир неча техник усуллари мавжуд бўлиб, булар: акватинта, меццо тинто, лавис, резерваж, юмшоқ лак ва б.к. Бу техникалар ҳам умумий офорт деб аталади.

3-мавзу: Графика композициясини қуриш ва уни тасвирлашда ашё техникасининг аҳамияти.(2 соат)

Режа

1. Графика композициясини қуриш
2. Композицияни тасвирлашда ашёлар аҳамияти

3. 1. Графика композициясини қуриш

Графика композиция қурилишлари ва бадиий ечим. Композицияда бадиий фикрлаш хусусиятлари. Композицияда колорит ечими ва инсон рухиятига таъсири. Композиция қурилишида шакл бадиийлиги.

Экспериментал графикада шакллар образи ва таҳлили. Композицияда колоритнинг роли. Шакл ва рангнинг инсон руҳиятига таъсири. Графика композициясида ғоявийлик.

“Композиция” сўзининг тушунчаси ва у нимани англатишини барчага маълум. Композиция асослари билан мукаммал танишилади, уларга оид машқларни амалда бажариб, композиция қонун-қоидаларини батафсил ўрганиб унча мураккаб бўлмаган композициялар тузилади. Эндиликда тингловчилар китоб безатиш ва дастгоҳли графика композициялари орасидаги фарқ хусусиятларини бирмунча ажратиш олиш даражаси илмига эга бўлдилар.

Дастгоҳли ва китоб графикасида композициянинг ўзига хос хусусиятларини очишда шуни таъкидлаш лозимки, улар умумий композиция қонунларига бўйсинади. Қонун таъсири барча санъат турларига тегишли.


Графикада турли композиция қоидалари, усуллари ва воситалари қўлланилади, аммо улар ҳар-хил натижалар беради (дастгоҳли графикада, айтайлик, дастгоҳли рангасвир ва ҳайкалтарошлик билан таққослаганда).

Бу, дастгоҳли графиканинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Графика асарлари рангда етарли даражада бажарилганига қарамасдан графикада чизматасвир устунлик қилади. Рангасвирга нисбатан графика бирмунча шартли. Бунда предметнинг айнан реал ранг сифатларига яқинроқ ўхшатиш ишлатилади. Графика санъатида бу реалликлар оқ-қора тасвирдаги чизматасвир орқали кўрсатилади (чизиқли, штрихли, контурли).


Графикадаги ўхшатиш шартлиги, унинг жанрларида турлича кўринишга эга бўлади. Масалан, плакатда назар дарҳол тушадиган яхлитлик, шакл силуэти, масофадан “ўқилиши” катта роль ўйнайди. Карикатурада шартлилик мажозий, кинояли, сатирик жанр билан боғлиқ. Портрет, манзараларда, сюжет-тематик асарда шакл, ҳақиқат чегарасида талқин қилинади, томошабин уни таниш олиш даражасида бўлади, ҳатто бу ерда ҳам шартлилик иштирок этади.

Графика шартлилиги қоралама характердаги чизматасвирларда аниқ кузатилади, бунда тасвир текислиги қисми асосий объектнинг фони бўлиб қолади.

Дастгоҳли графикада композиция қурилиши худди дастгоҳли рангтасвирдагидек, мавзунинг образли-пластик ечими асосида яратилади. Ўзбек график рассомлари В.Кайдаловнинг “Алишер Навоий портрети”, “Кўл бўйида” литографияси, “Алпомиш”, “Семурғ” дostonларига ишланган иллюстрациялари, М.Содиқовнинг “Газли”, “Бухоро кўчалари”, Ф.Ҳайтовнинг “Менинг маҳаллам”, “Бизнинг ҳовли”, “Тандирчилар” литографиялари, М.Кагаровнинг “Бодом гуллаганда”, “Автобиография”, О.Сулаймонов шеърятига бағишланган қатор эстамплари шулар жумласидандир. Ушбу композицияларда асосий ролни тус кескинлик фарқи ўйнайди, бунда сюжетлар қурилиши, ифодали жозиба кашф этиб, асосий планни таъкидлайди. Юқорида мисол келтирилган графика асарлари литография техникасида яратилган бўлиб, уларда композицион яхлитлик конунларини кўрамиз.



1. Ф. Ҳайтов. “Тандирчилар”, ретушь. 1984.



2. В.Кайдалов. Алпомиш ва Барчиной. акв

Машхур француз импрессионист рассоми Анри Матисс дастгоҳли композицияни ўзининг ёзувларида шундай ифодалайди: “Композиция бу

шундай санъатки, бунда рассом тасарруфидаги турли хил элементлар унинг хис туйғуларини ифодалаб декоратив тарзда жойлаштирилади”.²

Композицияда иштирок этадиган барча тасвирларни (одам, жонивор, дарахт, предмет ва ҳк.) ҳар томонлама яқиндан ўрганишга тўғри келади.

Композициянинг тип ва турлари: бир планли, икки планли, кўп планли, илмий-перспективали ва шартли перспективали, шунингдек эркин перспективасиз кўринишда бўлиб, бу турлар ҳар бир ҳолатда бир бутун ўзига хос, бадий мақсадларга эришадиган образли усулларни бера олади.

3.2. Композицияни тасвирлашда ашёлар аҳамияти

Композиция бадий ечими яхши ёритилган, қонуниятлар талабига жавоб берадиган хомаки нусхалардан ўқитувчи иштирокида бир нечтаси танлаб олинади. Мавзу мақсадидан келиб чиқиб, композиция ранглари колорити бир неча вариантда изланади.

Таълим жараёнининг биринчи босқичида талабалар ранглар ва туслар ритмикаси, контрасти ва нюанси ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак (ранглар ритми: қизил-сарик, сарик-қизил, узун-қисқа, қисқа-узун, оч-тўқ, тўқ-оч ёки қисқа-қисқа, узун-узун ва ҳк.).

Композиция вазифасини рангда, акварель, гуашь, акрил бўёқларида, шунингдек учинчи босқич дастури бўйича ашёда бажариш тавсия этилади. Бу даврга келиб талабалар литография ва линогравюра техникаларида ишлашда кўникма ҳосил қилган бўлиши керак. Агар вазифа ашёда (литография ёки линогравюрада) ишланадиган бўлса, уни бир ёки икки рангда бажариш тавсия этилади.

Композициянинг кейинги босқичида хомаки нусхалар янада муккамалроқ, аниқ бўлиши учун, айниқса, у ашёда бажариладиган бўлса, асл ўлчамда ишлаш мақсадга мувофиқдир.

² Marion Boddy-Evans. Of Composition in sualart.New-York.2008.

Биринчи навбатда дастгоҳли композицияни акварель, гуашь, темпера, акрил, бўёқларида ёки тушь-перо, сангина, пастель, рангли қалам ва аралаш техникаларда ишлаш учун уларга мос келадиган хомаки нусхаларни бажариш усуллари ҳақида тўхталиб ўтамыз.

1.Композицияни тушь-перода бажаришга қарор қилинган ҳолда, фойдаланиладиган ашёлар булар: оқ силлик ёки тусли грунтланган силлик қоғоз, қора тушь, перо, мўйқалам, камиш қаламча.

Бундай ҳолда қоралама, хомаки нусхаларни иложи борича бирламчи изланишлардаёқ тушь-перо, қора гел ручкаларида ишлаш тавсия этилади.

Охирги хомаки нусхаларни асл ўлчамда бажариш мақсадга мувофиқдир.

Кичик ҳажмда яхши топилган композицион бадиий ечимдаги хомаки чизгилардан ўқитувчи маслаҳати ёрдамида бир нечтаси танлаб олиниб, уларни асл ўлчамга қаламда кўчириш, сўнгра, перо ва мўйқаламда тушда ишланади. Бу жараёнда композициянинг кескин фарқларини белгилаш ва тус нюансларини ажратишда, тушга бир оз сув қўшиб ишлаш ҳам тавсия этилади. Кичик деталларни тусдан-тусга енгил ўтиш жойлари перода ишланса мақсадга мувофиқ бўлади.



1. *М.Содиқов. “Йўл”, акварель*

2. Декоратив усул оқ-қора тасвирда танланадиган бўлса, бундай вазифани қора ва оқ гуашларда бажариш жуда қулай. Қалинроқ қоғоз

танланиб, асл ўлчамдаги композиция хомаки нусхалари устида иш олиб борилади. Бундай декоратив-график услубда ишлашда, композиция ритмикаси яхлит текисликларга ажратилиб, оқ жойларни тасвирлашда қоғоз тоза қолдирилади, қора яхлитликлар гуашь ёки темперада бўялади, ярим туслар, қора ва оқ бўёқлар аралашмасида туснинг кучига қараб белгиланади. Ушбу услубда ишлашда мўйқаламнинг турли хажмларидан фойдаланилади, тушь-перони аралаштириш тавсия этилмайди.

3.Композицияни соус ашёсида бажаришда ҳам асосан туслар нисбатига эътибор қаратилади. Асл ўлчам белгиланиб, қоғозга аниқ тарзда тасвир контури туширилади, сўнгра соусни ликопчада эзиб, оз миқдорда сув билан аралаштирилади. Ушбу эритмани докадан сиздириб ўтказилади ва ҳосил бўлган суюқлик қоғозга мўйқалам ёрдамида бўялади. Қоғоз қуригач, маълум тусдаги текисликка тасвирлар тушурилиб, ретушь қалам, кўмир ёрдамида иш жараёни давом эттирилади, бунда ўчирғичдан ҳам ўз ўрнида фойдалана билиш жуда муҳимдир.

4.Композиция вазифасини рангли қалам ва пастелларда бажаришнинг ҳам қулай томонлари кўп. Бунда худди рангтасвирдагидек, иссиқ-совуқ ранглар мавжуд, кичик деталларни ишлаш имконияти ҳам кенг. Хомаки нусхаларни пастелда ишлашда композициянинг асл нусхадаги шаклини тасаввур қилиш қийин кечмайди.

Пастелда ҳам декоратив, ҳам реалистик усулда композиция хомаки нусхаларни бажариш имконияти мавжуд. Айниқса, “Тўй”, “Байрам тадбирлари”, “Менинг шаҳрим” мавзусидаги ишларни пастелда бажариш ёш рассомга завқ бағишлайди. Пастелда фактурали енгил, иссиқ ёки совуқ тусдаги қоғозга ишлаш тавсия этилади. Хомаки нусхаларни қора тусдаги қоғозларга ҳам чизса бўлади.

Хомаки нусхаларнинг композицион ечимини қуришда, қора тусдаги қоғозларга пастелда ишлаш, рассомга эркин ижод қилиш имкониятини яратади. Композициядаги пластик чизиқлар, қоматлар ҳаракати силуэти,

дарахтлар ва бошқа иштирок этувчи предметларни график услубда кўрсата олишда пастель ранглари жозибadorлигининг ўрни катта.

5.Композиция мавзуси кайфиятининг бажарилиши услубидан келиб чиқиб, хомаки нусхаларни акварель, гуашь, темпера, акрил бўёқларида ишлаш, уни янада гўзаллаштиради. Хомаки нусхалар турли иссиқ-совуқ колоритларда ишлаб кўрилади. Уларни ҳам декоратив, ҳам реалистик услубда бажариш мумкин. Бундай техника деярли рангтасвир техникаларидан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

Акварелда ишлашда энгил, шаффоф иссиқ совуқ рангларнинг қўшилиб ёйилиб кетиши, ўзига хос кўриниш касб этади.

Гуашь, темпера, акрил бўёқларда ишлашда кўпроқ, яхлитлик, декоративликка эътибор берилди. Юқорида номлари келтирилган барча ашёларда дастгоҳли графика композициясининг жозибadorлигини кўрсатишнинг имконияти кенг.

6.Аралаш техникада композиция топшириғини бажаришнинг ҳам ўзига хос ижобий томонлари кўзга ташланади. Бу усулда ёш рассом эркин ижод қилиб, ашёлар таркибий қисмининг бир-бирига яқинлигини амалий машқлар орқали ҳис қилади ва тажриба орттиради. Хомаки нусхалар устида ишлашда акварель, гуашь, пастел ёки акварель-тушь ва шу сингари ашёларни аралаштириш усуллари кўллаш мумкин. Композиция хомаки нусхаларини кўрқмасдан, эркин ҳолда, ҳар хил ашёлардан фойдаланиб, турли вариантларда бажариш фойдадан холи эмас. Қайси ашёда ишланмасин, агар композиция пластик бадий ечими топилмаган бўлса, улар ҳеч қандай жозоба, натижа бера олмайди. Ўқитувчи маслаҳати билан композициянинг топилган, танланган нусхаси кўпроқ қайси ашёда ишланса самара бера олиши ва талаба иқтидоридан келиб чиқиб мос келадиган ашё танланиши лозим.

7.Графиканинг эстамп турларида композиция топшириғини бажариш эса, ўзгача тайёргарликни талаб қилади. Агар юқорида таништириб ўтилган ашёларда бажарилган композициянинг асл нусхалари тугатилгандан сўнг

хам, баъзи камчиликларни тузатишнинг иложи бўлса, эстампларда бунинг имконияти бўлмайди. Шу сабабли, литография, линогравюра техникаларида бажариладиган композиция вазифаси хомаки нусхаларини меъёрига етгунча, аниқ ҳар бир детални назардан четдан қолдирмасдан ишлаш талаб этилади. Композиция литография техникасида ишланадиган бўлса, унинг хомаки нусхаларини юмшоқ қаламда бажариш тавсия этилади.

Офортнинг қуруқ игна усули

Бу усул XV асрда пайдо бўлди. Бунда рассом ўткир учли игна билан метални ўйиб ишлайди. Игна ўйган ўйиқ четида ғадир-будир қиров пайдо бўлади. Бу қиров босмадан сўнг тасвирга ўзига хос бой кўриниш беради.

Ҳозирда бу усулда ишловчи рассомлар игна учини карбид ёки олмослигидан, металдан эса юмшоқ ва енгил бўлган мис пластинкаларидан фойдаланишади. XVI аср бошидан кислота билан ишлов беришга уринишлар бўлган бўлсада, бу фақат XVII асрга келибгина амалга ошди. Бу усулда метал пластинкаси кислотага бардошли қоплама (қора сақич) билан қопланади. Сўнгра асбоб ёрдамида ўйиб чизилади. Металнинг очилиб қолган жойларини кислота куйдириб ўйади. Эстампда офорт катта янгилик бўлди. Игна ўювчи асбобга қараганда табиийроқ тасвир натижасини беради. Ҳар хил чуқурлик ва кенглик берувчи асбоблар ишлаб чиқилган. Офортнинг афзаллиги кислотада куйдиришни бир неча мартаба қайтариш мумкин³

Линогравюрада (бир рангда назарда тутилаяпти) бажариладиган композиция вазифасининг хомаки нусхаларини қора тушь ва гуашда, перо ва мўйқалам ёрдамида оқ қоғозга ёки аксинча, қора тусдаги қоғозга оқ гуашда ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

³ Dwight Pogue. "Prinmaking Revolution", 101p



2. Л.Давлати. “Кўша қариганлар”, литография

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Саргузашт - фантастика асарларини безатишда замонавий графика техникаларидан фойдаланиш. Ашё ва бўёқлар технологиялари ўрганиш.

Ишдан мақсад: Китоб мавзусига сурат ишлаш графика санъатининг асосидир. Китоб варағига сурат ишлашдан мақсад:

матн воқеаларини тасвир орқали ўқувчига кўрсатиш;

китобга безакдорлик бериш;

китоб кадрини ошириш;

ўқувчига матн воқеасидаги даврни кўрсатиш;

китобхонни эстетик жиҳатдан тарбиялаш

матн воқеаларини китобхон хотирасига мухрлаш;

Китоб безаш санъатининг йирик вакиллари ишлари билан таништириш. Миниатюра санъати мусулмон халқларининг китоб безаш санъати сифатида дунё халқлари тасвирий санъатида бетакрор ўринга эгаллиги ва бугунги кунда юртимизда уни тикланиши йўлида олиб борилаётган ишлар.

Миниатюра усталари ва бугунги кун китобат санъатининг йирик вакилларининг ижодий ишлари юзасидан тақдимотлар намойиш қилинади. А.Навоийнинг “ХАМСА” асарига кирувчи дostonлардан бирига қўшварақ, бир варақда иллюстрация ишлаш. Китобмуқоваси, зарварақ, сарварақларини бадиий безаш, мавзуга мос хат турини танлаш.

Вазифани бажариш босқичлари:

мавзу билан танишиш;

қаламда хомакилар ишлаш;

силуэт усулида хомакилар ишлаш;

диалогни кўрсатиш;

даврни кўрсатиш;

образни очиб бериш;

асл ўлчамда чизиш;

тус ёки рангда ишлаш;

вазифани якунлаш. тақдимотга тайёрлаш.

Вазифани бажариш ашёлари

Ватман, таршон, шаффоф қоғози, графит қалам турлари, ластик, юмшоқ ашёлар; сувли бўёқлар ва мўйқаламлар. Имкон даражасида литография, офорт, линогравюра усларида ишлаш ашёлари ва босма станоклар, бўёқлар.

2-амалий машғулот: Иллюстрацияларни босма (штамп) нусхаларини олишда миллий ва жаҳон ашёларининг кимёвий хусусиятлари.

Эксприментар машғулотлар ўтказиш.

Ишдан мақсад: Китоб мавзусига сурат ишлаш графика санъатининг асосидир. Китоб варағига сурат ишлашдан мақсад:

матн воқеаларини тасвир орқали ўқувчига кўрсатиш;

китобга безакдорлик бериш;

китоб қадрини ошириш;

ўқувчига матн воқеасидаги даврни кўрсатиш;

китобхонни эстетик жиҳатдан тарбиялаш

матн воқеаларини китобхон хотирасига мухрлаш;

Китоб безаш санъатининг йирик вакиллари ишлари билан таништириш. Миниатюра санъати мусулмон халқларининг китоб безаш санъати сифатида дунё халқлари тасвирий санъатида бетакрор ўринга эгаллиги ва бугунги кунда юртимизда уни тикланиши йўлида олиб борилаётган ишлар.

Миниатюа усталари ва бугунги кун китобат санъатининг йирик вакилларининг ижодий ишлари юзасидан тақдимотлар намойиш қилинади. А.Навоийнинг “ХАМСА” асарига кирувчи дostonлардан бирига қўшварақ, бир варақда иллюстрация ишлаш. Китобмуқоваси, зарварақ, сарварақларини бадиий безаш, мавзуга мос хат турини танлаш.

Вазифани бажариш босқичлари:

мавзу билан танишиш;

қаламда хомакилар ишлаш;

силуэт усулида хомакилар ишлаш;

диалогни кўрсатиш;

даврни кўрсатиш;

образни очиб бериш;

асл ўлчамда чизиш;

тус ёки рангда ишлаш;

вазифани якунлаш. тақдимотга тайёрлаш.

Вазифани бажариш ашёлари

Ватман, таршон, шаффоф қоғози, графит қалам турлари, ластик, юмшоқ ашёлар; сувли бўёқлар ва мўйқаламлар. Имкон даражасида литография, офорт, линогравюра усларида ишлаш ашёлари ва босма станоклар, бўёқлар.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши дирасида реферат ёки курс ишини тайёрлайди.

Мустақил иш талаблари ҳар бир тингловчи ўзи танлаган рассом ижоди ёки бадиий асар тақдимотини тайёрлайди.

Мустақил иш тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- Сарварақ;
- аннотация;
- мундарижа;
- асосий қисм: назарий таҳлил;
- иллюстрациялар иловаси;

- хулоса;
- глоссарий;
- адабиётлар рўйхати.

Кейслар банки;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Мустақил иш мавзулари

1. Миниатюра санъати тарихи.
2. К. Бехзод асарлари билан танишув.
3. Қутлуғ Башаров ижоди ва меъроси.
4. Композиция асослари ҳақида маълумотлар тўплаш.
5. Рангшунослик асосий ва қоришма ранглар,Ахроматик ва хроматик ранглар.
6. Икки –уч қомат орасида диалог кўринишини тасвирлаш.
7. Бугунги кун хорижлик график рассомлари ижоди билан танишиш.
8. Тингловчи ўтилган мавзу ёки амлий ишлар босқичини очиб берувчи презентациясини тайёрлаш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Автогравюра муалифининг ўзи қаттиқ ашёда кесиб ишлаган асарга айтилади

Аквантинга - рангли сув- бу усулни 1765 йили француз Жан-Батист Лепренс кашф қилди.

А-СТАНДАРТИ - халқаро миқёсда қабул қилинган қоғоз ўлчами.

Ватман - ([ингл. Whatman paper](#)) [Жеймс Ватман фабрикасида](#) лойиха чизмаси ўлчамидаги қоғоз. .

Графит- қаламнинг хом ашёси.УГЛЕРОД

Графика - (Латинча graphice- ёзиш, чизиш грек тилида γραφική τέχνη - ёзиш, чизиш санъати маъносини беради)

Гравёр- тасвирни қаттиқ сатҳда ўйиб кесувчи, уста.

Гравюра- кавлаш, кесиш, бўртма ҳосил қилиш маъносини беради

Ксилография- (грекча *xylon* -ёғоч, *grapho* -чизиш)гравюранинг энг қадимги тури ҳисобланади.

Кáлька- шаффоф қоғоз.

Канцелярия қоғози – ёзув учун тайёрланган.

“**Кўҳинур**”-йирик олмос номи.

Пастель - бу турли ранглардаги қобиқсиз бўлган қаламчалар.

Ластик - қалам изларини ўчирувчи буюм.

Каучук - тропик дарахтидан олинувчи сутга ўхшаш суюқлик.

Литография - (юнонча- *lithos* – тош, *gbrho* – ёзаман, чизаман)

Линогравюра – гравюранинг бир тури бўлиб линолиум материали сиртида ишланади

Офорт - (фр. *eau forte* – мустаҳкам сув)-бадий гравюранинг ўзига хос тури бўлиб чуқур печат усули деб аталади.

Папирус - Мисрнинг Нил дарёси бўйида ўсадиган қамишсимон ўсимлик.

Пергамент - ишлов берилган кичик жонивор териси.

Сапол- пиширилган лой.

Темур қозони - Қозоғистоннинг Туркистон шаҳри Аҳмад Яссавий мақбарасида сақланаётган Амур Темур бронзадан қуйдирган қозон.

“**Усмон Қуръони**”- пергамент сатҳида ёзилган қурон.

Цай-Лун - Хитойлик қоғоз ихтироچиси.

Самарқанд қоғози - VIII асрдан бошлаб Самарқандда тайёрлана бошланган қоғоз.

Кўқон қоғози - Кўқонда шаҳрида тайёрланган қоғоз.

Шумер, Акада - эра. олдинги 2-асрда Ефрат,Тигр дарёлари оралиғида жойлашган давлатлар номи.

Сиёх-ёзиш муҳр босиш учун тайёрланган рангли суюқлик.

Қайтмас тушь- ювилмайдиган тушь

Перо- сиёхда ёзиш учун металдан тайёрланган мослама.

Плакат - авторнинг қоғозда ишлаган асари бўлиб босма нашр орқали кўпайтирилади

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курагимиз. 2017 йил
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2017 йил
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда курагимиз. 2017 йил
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. - Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. -Т.: 2011.-440 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014.
2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Махсус адабиётлар

1. Булатов С. Тасвирий ва амалий санъат асарларини фалсафий-психологик таҳлили. - Т., 2010

2. Тасвирий ва амалий санъат методикасининг баъзи масалалари. - т., 1975

3. Тасвирий санъат амалиётида педагогларни тайёрлаш. - Т., 2006

4. Ҳудайбергандов Р.А. Рангшунослик асослари. - Т.: Ф. Ғулом нашриёти. 2006. - 220 б.

5. Школа изобразительного искусства. VI том. Издательство Академии художеств. Москва. 1963

6. Эрнст Бергер История развития техники масляной живописи издательство Академии художеств СССР Москва 1961

7. Сабилов М.М. “Ашешунослик ва Рангшунослик ” Тошкент 2009 й Чўлпон

8. Сабилов М. Хаджиметов Б. мутахассислик бўйича Материалшунослик Тошкент Info Sahital Group 2018

Интернет сайтлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz

3. Ахборот - коммуникация технологиялари изохли луғати, 2004,

4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz

5. www.ziyonet.uz.

6. Ахборот - ресурс маркази <http://www.atsc.uz/>

7. www.edu.uz

8. www.pedagog.uz

9.www.dsmi.uz